

Мулла Йўлдош Хилватий

**“САЙРУ-Л – ЖИБОЛ  
МИН САЙРИ-Р – РИЖОЛ”**

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
“Фан” нашриёти  
2009

Нашрга тайёрловчилар:  
Сайфиддин Сайфуллоҳ  
Озода Болтабоева

Тақризчилар  
Салоҳиддин Жамолов  
Мўминжон Сулаймонов

Бу китобдан Хилватийнинг “Сайрул жибол” (Тоғ сайри) ҳамда “Қасидаи илм” асарлари ўрин олган. “Тоғ сайри” манзумасида шоир ўз даврининг нуфузли кишилари, ёру дўстлари билан тоққа, саёҳатга чиккани, Почча ота қабрини зиёрат этгани ва саёҳат даврида кўрган-билганларини бадий ва рангин бўёкларда тасвирлайди. Илм ҳақидаги қасидасида илмнинг зарурлиги, шарофати ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида батафсил фикр-мулоҳаза юритади.



**Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий (1858 -1921)**

## ШАҲР ЭЛИГА АРМУҒОН...

Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий ўзбек ва форс тилида баракали ижод этиб бой адабий мерос қолдирди. Хилватийдан бизга иккита дасхат (шоир ўз кўли билан ёзган) девон сақланиб қолган. Биринчи девон ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 1870 рақами билан сақланмоқда ва у Девон I деб номланади. Иккинчи девон Хилватий ўғли Акмалхонтўранинг фарзанди Акмалов Маъруфжон кўлида сақланмоқда ва у Девон II деб номланади. Хилватийнинг учта шеърий рисоласи мавжуд бўлиб улар 1908 -1910-1911 йилларда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонасида чоп этилган. “Мавлуди Шариф” ўзбек адабиётида Муҳаммад пайғамбар мавлудлари ҳақида туркий тил билан аруз вазнида битилган биринчи шеърий дostonдир.

**“Чароғи мактаб”** – ахлоқий, диний –тарбиявий шеърий асар. Хилватий китоб нашрига ҳалқа шаклида “Бу рисола ақоида манзумадир. Муаллимларга лозимдурки, атфолларга ўқуб, ёд олтурғайлар” деб ёзиб қўйган. Демак, бу асар ақоидлар (эътиқодлар, ишончлар) ҳақида ёзилган ва бошланғич мактаб болаларига мўлжалланган манзумадир. Бу манзумани Хилватий чевараси Озода Болтабоева эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрлаган.

Хилватийнинг учинчи рисоласи “Сайрул жибол” (“Тоғ сайри”) деб номланиб, ҳижрий 1328 йилда (милодий 1910) тошбосмада Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонасида чоп этилган. 1910 йили Наманганнинг кўзга кўринган шоир, олим ва

машхур кишилари ёз мавсумида “Почча ота” тоғ бағрига саёҳатга чиқишган. Асар ана шу саёҳатдан олинган таассуротлар асосида Қодирхўжа эшон, Нодим Намангонийлар илтимосига биноан яратилган. Бу ҳақида асар ичида шоир шундай деб изоҳлайди:

**Ибтидо то интиҳо ушбу сафар,  
Пардаи назм ичра бўлса жилвагар.**

**Шаҳр элига армуғон бўлғой эди,  
Барг сабзи жовидон бўлғой эди.**

**Сиз била биздин бўлурди ёдгор,  
Қолғай эрди бу жаҳонда пойдор.**

Асар “Сайру-л –жибол мин сайри-р –рижол” (“Эркаклар сайридан бўлмиш тоғ сайри”) деб номланади. Маснавий усулида ёзилган бу шеърӣ асар 16 та кичик бобга ажратилиб, ҳар қайси боб номи форсча насрий усулда ёзилган. Бу бобларда «Почча ота» ҳавоси, манзаралари, ўсимлик дунёси, сувлари жуда чиройли мисраларда тараннум этилган. Масалан

**Чор атрофи эрур тоғу рафиъ,  
Ўртасида сабзалик саҳни васиъ.**

**Мурдани келтурсалар жон топқудек,  
Кофири сад сола имон топқудек.**

**Етгон одам келмагайдур кетгуси,  
Ори жаннатдин қаёнга кетгуси.**

Бу рисола арузнинг рамал баҳрида битилган бўлиб, фоилотун, фоилотун, фоилун (рамали мусаддаси маҳзүф) дадир.

Саёҳатга чиққан барча кишиларнинг, яъни Нодим Намангоний, унинг ўғиллари хожи Мусалламхон, Фузайлуддин, Абдулмусаввархонлар, тўрақўрғонлик Сайфиддин Махдум, Мирзо Олим Қорийларнинг фазилатлари ҳақида ҳам асарда баён этилган. Асар қўлёзмаси Хилватийнинг биринчи девонида мавжуд. (Д.І. 38<sup>а</sup>- 58<sup>а</sup>.) Рисола 555 байт (1110 мисра) дан иборат. XX аср боши ўзбек адабиётида “Сайри жибол”га тенг келадиган саёҳатнома асари мавжудлиги бизга маълум эмас. Асарда Наманган аҳли илмларида Саййид Бурҳон Хожа эшон ибн Аминхон Хожа эшон, Мавлонийхон Хожалар ўз вақтида юксак баҳо беришган. Бу ҳақида Хилватий китоб охирида тоғдан қайтиб, Мавлавийхонни зиёрат қилгани ва у ерда саёҳатномани ўқиб берганини баён этган. Бу 77 байтли манзума эди. Шундан кейин “Сайри жибол” босма нусхасидан Хилватийнинг илм ва унинг фазилатлари ҳақида 103 байтли қасидаси (54-60-бет), Эшон Бобохон тўра Нодимга бағишланган ўн тўққиз банддан иборат “тўрам” радифли қасида – мухаммаси (61-64-бетлар), баҳор айёми ва унинг фазилатлари ҳақида 53 байтдан иборат “сабз шуд” радифли “баҳория” қасидаси (65-69-бетлар), Тожихўжа эшон илтимоси билан ёзилган 15 байтли қасида (75-76-бетлар), Миён Муҳаммад Юсуфхоннинг биродари Миён Қудратуллоҳ билан Мавлонийнинг афанди ҳузурига Қўқондан келганларида уларга бағишланган 9 байтли қасида (77-78-бетлар) илова қилинган. Бу қасидаларнинг ҳаммаси форс тилида ёзилган. Булардан сўнг Хилватийнинг ўзбек тилидаги “хаёт” радифли 34 байтдан иборат шеъри берилган. (78-80-бетлар). “Хаёт” радифли шеъри

Хилватийнинг 2001 йил “ФАН” нашриётида чоп этилган ўзбек тилидаги шеърлари орасига киритилган.

Китоб охирида форс тилида насрий хотима ёзилган (80-84-бетлар). “Сайри жибол”ни қўлёзмаларга қиёслаб, ҳозирги ўзбек имлосида чоп этиш ва таҳлил қилиш адабиётшунослигимиз олдида турган вазифалардан бири эди. Ушбу рисола НамДУ филология факультети ўқитувчиси Хилватий чевараси Озода Болтабоева томонидан нашрга тайёрланди. Рисоладаги илм ҳақидаги қасида ҳам эски ўзбек ёзувидан ф.ф.н. доц. С.Рафиддинов ва О.Болтабоевалар томонидан нашрга тайёрланди. Бу қасида форс тилида бўлиб ўзбекча маънолари ҳам ҳар байтдан сўнг илова қилинди.

## **“САЙРУЛ-ЖИБОЛ”**

Ул сафарда Худованди жалла зикриҳуни алтоф бекарони бирла хаддин зиёда ва ададдин берун фараҳ ва фараж ва тараф ва сурур кўрдик. Ва болойи жабалда руфако бир тариқи иттифоқ дедиларки, бу саёҳатда кўрган ва кечиргонларимиз назмга олинса, насиби хурсанди ва мўжиби фараҳманди бўлур эрди. Ва ҳам ажаб эмаски, то охири инқизоий даври замон ва ихтитоми гардиши даврон сафҳайи айём ва дафтари рўзгорда боқий қолса.

Бу илтимос мукаррар бўлди. Бинобарин, бу зарраи хоксори паришонирўзгор Мулло Йўлдош Хилватий ибн Тўрабой сўфий, марҳуми Жигдакафагий сумма Намангоний бу сайру саёҳатни ва аснои сайрда бўлгон воқеотларни назм қайдиға олди ва анга “Сайри ул –жибал мин сайр ир –рижол” (“Эркаклар сайридан бўлмиш тоғ сайри”) ном қўйилди.

Ҳамд ангаким боғу роғу кўҳсор,  
Қудрати волосидин айлар ошкор.

Тоғлар узра набототу гиёҳ,  
Зоти беҳамтосиғадурлар гувоҳ.

Фаршдин то арши оёти эрур,  
Мазҳари сунъи камолоти эрур.

Ҳар қаю шайда улул абсорлар,  
Фаҳм қилғойлар бәсе асрорлар.

Наът ангаким масжиди ақсо аро,  
Анбиё ҳайлига бўлди муқтадо.

Хилқати оламға зотидур сабаб,  
Бандаий Кўҳи Ажамдин то араб.

Сарвари олам Муҳаммад мустафо,  
Шаҳсувори мурсалини анбиё.

Арши аъзам анга жавлонгоҳдур,  
Етти афлок анга ҳокироҳдур.

Оли асҳоби эрур анжум масал,  
Ким аларга эргашур кўрмас халал.

Барчасин қабрига тоявмун нишур,  
Нозил ўлсун раҳмати нур узра нур.

Соқие илкингга ал паймонани,  
Лутф қил маст эт мани девонани.

Беҳудона ушлай илкимга қалам,  
Тоғ сайрин қиссасин айлай рақам.

**Хома рондан ва жавоҳире хуруфу афшондан ва муқаддимаи “Сайри жибол” баён сохтан ва илми дoston ба арсаи офoқ афрохтан.**

**(Ҳарф дурдоналарини хатга туширишлик ва сайр бошланишини баён қилишлик ва илм дostonини устозга тақдим этишлик ҳақида)**

Эшитинг, эй дўстони хушёр,  
Бир ҳикоят айлағай бу хоксор.

Мадраса саҳнида бир кун бу ғариб,  
Ким эрур зоти нақоисга қариб.

Хилватий афтодаи кўйи фано,  
Нахли сероби лаби жўйи фано.

Ўлтуруб эрдим неча аҳбоб ила,  
Соҳибони дил улул –албоб ила .

Таъбимиз соф эрди чун фасли баҳор,  
Айши боло эрди ҳамчун Қўҳисор.

Етти ул дамда насими дилкушо,  
Бод гулзор тараб риҳи сабо.

Ул насим орқосидин чун Ҳизрироҳ,  
Нодим ул мулки суҳанга подшоҳ.

Анжуманга еткуруб нури хузур,  
Лутф қилди барчага жоми сурур.

Шафқатин сўнгра бу қулға қилди хос,  
Айлади ҳам жоми базми ихтисос.

Ушлаб илким кўйди хужрамга кадам,  
Мақдамидин хужрага тўлди карам.

Сўнгра айди: эй чу килки роздон,  
Аҳли маъни илкида санга макон.

Қил ўзинг омода фардо сайр учун,  
Тобакай хилватда ороми сукун.

Тавф этармиз марқади Поччо ота,  
Ул азиз қабридадир файзу сафо.

Тоғлар ичра эрур мадфун анга,  
Шердек тоғ ичрадур маскан анга.

Еткуруб бу муждаи баҳжат асар,  
Тўраи доно азизу мўътабар.

Ёнди маъвои тараб афзосиға,  
Қасри олий дилкушо маъвосиға .

Мутрибо, илкиннга ол сеторни ,  
Сухбат аро бўл ўқуб гулёрни.

Хонишингдин завқ олиб йўлга тушай,  
Боргоҳи Нодими сори борай.

**Бо боргоҳи жаноби муалли алқоби Нодим рафтан. Ва бори  
фақопайвастан ва раҳши азимат ба жониби сахро тохтан. Ва  
асоми ҳамроҳон баён сохтан.**

**(Улуғ зот бўлмиш Нодим қабрларига бориш ҳамда дўслар  
улуғ қадамларини сахрога қараб тезлатишлиги ва  
шерикларининг исмини баён қилишлиги ҳақида)**

Имтисол амри учун боғлаб камар,  
Қилдим омода ўзум баҳри сафар.

Эртаси тайёр ўлуб ман нотавон,  
Тўранинг даргоҳига бўлдим равон.

Ман бориб ором олиб турғон замон,  
Тўрақўрғон аҳлидин икки жавон.

Сайфиддин маҳдум неку қору расо,  
Дилкашу, озода, таъбу порсо.

Мирзо олим қорийи –ю зебо йигит,  
Соҳиби дониш зиҳи мирзо йигит.

Келдилар оту ароба соз этиб,  
Қумрию булбул каби парвоз этиб.

Барча бир-бирига бўлуб, наъмаррафик,  
Тоғ сори айладук азми тарик.

Бир тарафдин чиқти Юсуфжон тўра,  
Бўлдилар бизга саёҳатга жўра.

Ул наку фитратга неча дилнишин,  
Ҳамнишину улфати бахжат қарин.

Бор эди ҳам қорини гардуну дун,  
Ул биёбон ичра монанди қуюн.

Фарҳатангизу тараб хизу қизик,  
Мунису ҳар қавму ҳар ёри фарик.

Гоҳ булбул, гоҳ тўти, гоҳ сор,  
Гоҳ фусунгар гоҳ шайх саждадор.

Гоҳ шайхи ноқису дунёпараст,  
Гоҳ шоҳидбоз гоҳи майпараст.

Гоҳ баззозу ғани гаҳ чойфуруш,  
Гоҳ бозоргон заррин жомапўш.

Гоҳ кўкнорию банги, гўлохи,  
Ўтуни эски ароба суллохи.

Пешаси бир умри идхолус сурур,  
Андоғ одам аҳли жаннатдин бўлур.

Халқни хурсанд қилмоқдур иши,  
Хуррам ўлғой суҳбатин кўрган киши.

Бир тариқа бирла элни шод этар,  
Хотири вайронани обод этар .

Қорини кайфияти махсуси бор,  
Кўрган одам кулгуси беихтиёр.

Ҳеч ким бадхулку бадхўй ўлмасун,  
Бадбурушу, бадгў туршрўй ўлмасун.

Хўйи бадкирдори бадбахтон эрур,  
Нори дўзах манзили сахтон эрур.

Бор эди ҳожи Мусаллам навжувон,  
Нури чашми тўраи файз иқтирон.

Бу сафарда биз била ҳамсайр эди,  
Феъл атвори қарибул хайр эди.

Қиблага мирзосини истаб мудом,  
Туттилар хизмат бисотида мақом.

Ҳам яна Нодимни боғиндин ики,  
Сарвики, раънояки, хушбўйки.

Хўжазода, Тўразода, наврасон.  
Қумриёну, булбулону, тўтиён.

Он якиро номи Ҳорун Рашид,  
Дар баҳори фазли нахли навдамид.

Дигари аз гулшани жаннат насим,  
Худушаҳи , ақлу адаб ўронадим.

Дар сафар моро рафоқат доштанд,  
Дарду фаҳлу истироҳат доштанд.

Ҳам яна баҳри адабдин ики дур,  
Ики соғар роҳи руммонийга пур.

Бирини номи Фузайлиддин Аёз,  
Мадҳига бир ёз урунсам бўлғай оз.

Бириси Абдулмусаввирхон эрур,  
Соҳиби хулқу ҳаё сомон эрур.

Бу ики ҳам шайхул исломзодадур,  
Ибни роҳи Нодими озодадур.

Бу иков қойим экан хизмат учун,  
Жон нисор айлар экан суҳбат учун.

Боракаллоҳ иккиси одобига ,  
Қойил ўлдук вазъ раҳмат бобига .

Била вазъу, дилкашу, тавру неку,  
Гулшану давлатга бергай рангу бў.

**Қатраи аз маънофиъ тавозеъ ва зарраи аз зиёнкори кибр.**

**(Бир қатра камтарлик нафидан ва бир зарра такаббурликни  
зиёнидан хабар)**

Кимга-ким бўлса тавозеъ ёру ғор,  
Ҳам чу ёру ғор тобғай эътибор.

Барча оми хосга манзур ўла,  
Яхшиликда халқаро машҳур ўла.

Мардуми бегона анга ёд ўлур ,  
Яхшиларга маҳрами асрор ўлур.

Соябон ўлғай анга лутфи Худо,  
Меҳрибон ўлғай Муҳаммад мустафо.

Ким такаббур пешаю бадкор эмиш,  
Вазъидин эл кўнгилга озор эмиш.

Ким мусоҳиб бўлса анга бир замон,  
Кўргай андин ранжи дил озори жон.

Сухбатидин халқи нафрат айлағай,  
Мардум андин тарки суҳбат айлағай.

Кўргач они халқ дерлар, алҳазар,  
Суръатидур мори гаждумдин батар.

Оқибат мардуди раҳмон ўлғой ул,  
Лойиқи лаънат чу шайтон ўлғай ул.

Ман такаббур аҳлидин безорман,  
Ботавозуъларга хизматкорман.

Соқиё, савдодий бўлди табъимиз,  
Чун сабо ҳар жой бўлди табъимиз.

Издихоми халқдин дилтангмиз,  
Шалфару, ланжу, лаванду, лангмиз.

Бир қадах май лутф этиб бергил жавоб,  
Тоғ сайрин қилғоли айлай шитоб.

**Бу домани куҳи расидан ва доман домангулхойи  
хуррамичидан ва таърифи фазои Кўҳистон навештан ва дар  
обшораш дар завроқчаи мадҳи нишастан ва дар авроқу  
ашжор ва наботаташ ажойиб саноъе. Илоҳи мутолаа кардан**

**ва шод равон музомин дар бўстонаш ва шод равон ва ўтов ва сояи пардаҳой онжо воҳолиш оростан.**

**(Тоғ этагига етиб, этак-этак гул териб, тоғ баландлиги ҳақида ёзишлик ва қайиқчага ўтириб, дарахт ва гиёҳлар баргларини кўриб, илоҳий санъатни мутолаа қилишлик ва хурсанчилик достони кўлини топишлик ҳамда тоғ этагидаги воҳалар таърифи ҳақида)**

Бу жамоат бирла йўл юрдик томом,  
Тоғ домонига еттук вассалом.

Кетконица ики ён кўҳсор экан,  
Турфа кўҳсори фарах осор экан.

Ўртасида бир ажойиб сойи бор,  
Салсабилу жаннатул маъвойи бор.

Сой ёни кетганича йўл экан,  
Йўлда ҳар ерда асал ҳам мўл экан.

Ҳар қадам юргон сори дил очилур,  
Сийнадин ғам ҳар тарафга сочилур.

Ҳар нафас келгай сурур узра сурур,  
Кўшилур ҳар дам кўзинг нурига нур.

Ҳар дам истиқбол этар минг-минг тараб,  
Ҳар кўрунгон юз мусарратға сабаб.

Эйки, топмишсан ҳақиқатдин хабар,  
Дийдаи таҳқиқ ила қилсанг назар .

Учраган тошу дарахтони гиёҳ,  
Айлагай шарҳи камолоти илоҳ.

Бу сифат ҳар гўшадин ўтган сари,  
Лутф Ҳақ берди мусаррат дафтари.

Ҳар баланду пастдин ўтгук ўқуб,  
Номаи девон тафриж ул қулуб .

Оқибат келди фазои дилнишин,  
Мазҳари осори раббил оламин.

Чор атрофи эрур тоғу рафиъ,  
Ўртасида сабзалик саҳни васиъ.

Мурдани келтурсалар жон топқудек,  
Кофири сад сола имон топқудек.

Етган одам келмагайдур кетгуси,  
Ори жаннатдин қаёнга кетгуси?

Кетгонича сойи ёнида дарахт,  
Неча ерда чодири озода рахт.

Неча ерларга тикилгандур айил,  
Барчаси осойиши дилға кафил.

Пардаҳойи соя кистарлар базе ,  
Ҳар бирида моҳи пайкарлар базе.

Пардаларни “пардаи шоҳона” денг ,  
Мажлиси базми зиёфатхона денг .

Ҳар қаюда бир жамоа навжувон,  
Соҳиби таъби зарофат пешакон.

Хайли бирлан жамъи бўлғон ҳар гуруҳ,  
Тоғ сайри дилларида кўҳ-кўҳ.

**Аракрезан шабдизи хома дар арсаи васеъ ал фазои  
мадоиҳи хаймаки дар он куҳ пуршиква баройи мо пероста ва  
ораста будан.**

**(Баланд тоғда биз учун қурилган чодирнинг баландлиги ва чиройлилигининг таърифи)**

Бизга анда бир ўтов барпо экан,  
Вусъати чун гунбази хазро экан.

Анга эрди чархи атласдин наMAT,  
Гуллари анжумдек эрди беъадад.

Равшан эрди куббаи хуршиддек,  
Дилкаш эрди манзаре Жамшиддек.

Устида туби каби ашжорлар,  
Шоҳиди мурғони хушгуфторлар.

Остида ул сойи ҳамчун салсабил,  
Софлиғида беназиру беадил.

Ҳамчу айёми жавоне пуршитоб,  
Чун насими умри суръат интисоб.

Жунбуши мавжи тарабангиздур,  
Вазъ рафтори латофат хездур.

Кўз очиб юмғунча чун шахсу нигоҳ,  
Сайр қилғой бегумон сад сола роҳ.

Анда биз ором учун туттук мақом,  
Ҳамсафарлар бирла неча субҳу шом.

Лутфи раббонини кўрдик беҳисоб,  
Шарҳ қилмоқға керакдур бир китоб.

Мужда эй ёроне соҳиб эътибор,  
Бир париваш бўлғуси бизга дучор.

Моҳи рўйиким ҳама шайдосидур,  
Боғи тоғ ичра анинг ғавғосидур .

Васлига махрам бўлурмиз ушбу дам ,  
Бизга соқи бўлғой ул зебо санам.

Базм қилғоймизки, кўрмасдур киши,  
Давр сурғоймизки, сурмасдур киши.

**Истиқбол номудани Қорахон тўра би моёни ба рафоқати он  
сарви жўйи бори раънои ва гулдастаи гулдори зебоики дар  
хизмату ва мулозимату вайбуд.**

**(Қорахонтўранинг икки ўғиллари хизматларида эди. Шу  
ўғиллари билан бирга бизни кутиб олганликларининг баёни)**

Биз бориб етгач жаноби Қорахон,  
Олдимизга чиқти чун шердамон.

Нодиму дилхоҳ истиқболига ,  
Чун раъойо шоҳи истиқболига .

Бор эди онинг икки ўғлони ҳам,  
Боғида гул эрдилар райҳони ҳам.

Бирининг номи эрди Асрорхон ,  
Бири Қосимхожаи ширинзабон.

Бу иков тоғ ичра ҳамроҳ эрдилар,  
Бир -биридин хўб дилхоҳ эрдилар.

Бор эди ҳамроз анга бир нозанин.  
Моҳпайкар сарвқомат гулжабин .

Яъни бир шаҳзода сурат махрами ,  
Ҳури жаннат лек ибни одами .

Офатижон ғорати амну омон,  
Барқ хирман оташи минг хонумон.

Ғайрати шамсу қамар рашку чаман,  
Сарвиқомат гулбадан ширинсухан.

Машъали маҳфил чароғи анжуман,  
Рухпарвар айши мазҳар ғам шикан.

Фитнаи айёму ошуби жаҳон,  
Дилбари офоқу маҳбуби замон.

Хожахон номи, ўзи оромижон,  
Хожалар анга ғуломи остон .

Бу сифат хусни жамол ила ўшал,  
Маҳваши хуршиди рў ширин гўзал.

Шохи гулдек эгилиб айлаб салом,  
Қўл узотиб бизни куйдирди тамом.

Ул пари бирла бўлуштук ҳам канор,  
Кетмас они завқи то рўзи шумор.

Қўлимизға қўллари етган замон,  
Лаззати топтук қилиб бўлмас баён.

Қисса қўтоҳ ул замон ул ёр ила,  
Дилбари ҳуру пари руҳсор ила.

Суҳбати хос айладук андекгина,  
Ё раб, ул суҳбат кўрормизму яна.

Соқиё, май сўнки, ёронлар тамом,  
Нўш қилсунлар шароби лолафом.

Маст ўлуб бу зумраи аҳли сафо,  
Айласунлар хаймаи хос ичра жо.

**Ба манзилгоҳи хиш рафтани Қорахон тўра ва Юсуфхон  
тўра бо хамроҳи муллазимон ва хизматкарони хиш.**

**(Қорахонтўра ва Юсуфхонтўра мулозим ва хизматкорлари  
ила ўз манзилларига боришларининг баёни)**

Баъд аз он ул Қорахони номдор,  
Ота ўғли хожаи олий табор.

Тўрадин рухсат олиб жанон ила,  
Ул пари пайкар илаҳ хўбон ила .

Бордилар орамигоҳи хос аро,  
Каъбаи айшоқ бо ихлос аро.

Маҳрамон бирла Юсуфхон тўра ҳам  
Хаймаи давлатга қўйдилар қадам

Истироҳат нағмасин соз эттилар,  
Хоб қонунин хуш овоз эттилар.

Бу тариқа хар куни суҳбат тутуб,  
Соз ишратни навоға келтуруб.

Тоғ аро бир неча кун бўлдук муқим,  
Кўрмади биз кўрган ишни ҳеч ким.

Мутрибо, қонуни ишрат қўлға ол,  
Хонишу оғоз айла бўлса бемалол.

Базм қонунин шоҳона соз қил,  
Булбулу, тўти каби овоз қил.

Хилватий табъига еткурғил тараб,  
Бўл ани хурсанд қилмоқға сабаб

Маст ўлуб сайр айласун боғи хаёл,  
Кўрсун ул боғ ичра бир нозик ниҳол.

**Мушоҳада кардан Хилватий он санами пари тимсол ро дар олами хаёл дар гўшаи жибол ва талабидан у он ишрат дўшина роки амри маҳол буд дар жамиъ аҳвол.**

**(Айшу –ишрат қилишлик мумкин бўлмаган санамни Хилватий ҳаёлларида талаб ва мушоҳада қилишликларининг баёни)**

Бўйла таҳрир айлағай килки хаёл ,  
Ким қазоро Нодими фархундафол.

Ҳамнафасларни неча мумтозини,  
Маҳфил аро анжуман пардозини.

Тоғ ёнбошига бир кун бошлади,  
Ғайри асбоби тарабни ташлади .

Келди бир йўл биз анга қўйдук қадам,  
Эрди поёни ани боғи Эрам.

Туштук ул йўлга ҳама беихтиёр,  
Ҳар қадам бўлди ажойиблар дучор.

Оқибат бир гўшага бордук юруб,  
Ҳукм бўлдиким, дам олинг ўлтуруб.

Кўз очиб боқинг на ишлар кўрасиз,  
Ушбу соат ким била ўлтурасиз.

Малҳами ғайби деди, эй дўстон,  
Жойи осойиш эрур ушбу макон .

Боқсак анда бир дарахти сарбаланд,  
Рифъати солғай фалак сари каманд.

Шохларида сабзу тар яфроғлар,  
Соясидин баҳравардур тоғлар.

Шохларини шохи бордур беҳисоб.  
Шохи барги мавж урар монанди об.

Бир-бирига печу хам урган хама,  
Тоғ бошига кадам қўйган хама.

Бод таҳрики била майлон этиб,  
Ҳар тарафга барглари жавлон этиб.

Печиш ағсон тараб ангиз ўлуб,  
Жунбиш авроқ роҳат рез ўлуб.

Устида қўшлар бўлуб ширин адо,  
Жонга роҳат еткуруб айлаб наво.

Савт хушлар равшан айлаб сийнани,  
Зангинин сайқал бериб ойнани.

Сабзалар остида кўклар сабзу тар,  
Чун хати сабзалаб, ширинписар.

Нарм андоғким париқудин маҳин,  
Анбари чун зулфи ёри нозанин.

Сабзага соя солиб ушбу дарахт,  
Кўрмагон они шаҳи ферузи бахт.

Шилдираб тургон оқиб хуш обшор,  
Обиҳайвон файзи андин ошкор.

Чашмаи Ҳизр набидек файз жўш,  
Бул сабабдин ерларидур сабзапўш.

Чун сивое хўб домангир ўлуб,  
Сабзалар печи хама занжир ўлуб.

Ул фараҳлик гўшада туттук мақом,  
Анжуман тартибига бердук низом.

Базм асбоби мукамал бор эди,  
Аклу шурб анвоъйидин бисёр эди.

Ўлтуруб оҳанги ором айладук,  
Соз осойишга ақдом айладук.

Хожахон соқий бўлуб, биз бода нўш,  
Мутрибон соз тарабга берди жўш.

Ушбу ҳолатким, фариҳ боло эди,  
Гул очилган булбулон шайдо эди.

Пардаи ғайб ичра кирди Хожахон,  
Кўзимиздин чун пари бўлди ниҳон.

Саҳл фурсат ўтмай иш бўлди бўлак,  
Қилди одамни пари даври фалак .

Ғойиб ўлгач Хожахони гулбузор,  
Бўлди шўр минг қиёмат ошкор.

Бир тарафдан жилва қилди бир пари,  
Ё пари, ё хур, ё шаҳ духтари.

Ойу кун янглиғ мунаввардур юзи,  
Ўхшамас фарзанди одамға ўзи.

Васфи таҳририга ҳайрондур қалам,  
Ҳаддин афзун хусн ул зебо санам .

Лек ажмалан жамоли ёзилур,  
Нуктаи ҳарфи хаёли ёзилур.

Қомати сарв баҳористон ноз,  
Орази гулдастаи бўстон ноз.

Жўйбор хулддин сув ичгон у ,  
Боғи жаннатдин бу топган ранг бў.

Оразидин меҳри анвардур хижил,  
Қаддидин сарву санувбардур хижил.

Кокулидур хадди ғоятдин фузун,  
Шоми хижрондек қародур ҳам узун.

Барчаси қўйғон оёғи узра бош,  
Зулфлар мушкин гесу атрупош.

Юзлари меҳри малоҳат матлаъи,  
Кўзларидур сеҳру жоду мажмаъи.

Ики қош ики қиличдур ё камон,  
Ҳақ яратмиш баҳри қатли ошиқон.

Офати олам ики жодусида,  
Фитнаи маҳшар ики гесусида.

Жилвасидин жонға етгай лаззати,  
Боқишидин руҳга кайфияти.

Хандаси лабрез юз минг шўру шар,  
Ишваси бергай қиёматдин хабар.

Тишлари дурдонадур хуш оби тоб,  
Дур анингдек бўлмағай хуш оби тоб.

Лаблари ёқути, ё лаъли яман,  
Сийми ғабғаб ғунчалаб пистадаҳан.

Ханжари хунрез эрур мужгонлари,  
Қотили бебок ики фаттонлари.

Бу қадар нозик эрур бели анинг,  
Қилда йўқ имкон тамсили анинг.

Ул таносибларки аъзосидадур,  
Бўлса Юсуфнинг Зулайхосидадур.

Ул бар дўшики ул барнодадур ,  
Деса бўлмасдур они Лайлодадур.

Шулқадар нарму мулойимдур тани,  
Оғригай босса парку кўрфани.

Тарзи рафторини кабки Кўҳисор,  
Кўрса қилғайдур хижолат ошкор.

Жилвасидин тоғлар ҳайратга ғарқ ,  
Хирмани жонларга ҳусни урди барқ.

Ал ғараз, бошдин оёғ ул сиймбар,  
Ғарқи баҳри ҳуснудур сўз мухтасар .

Ҳуллаи жаннат каби хилъат била ,  
Ҳаддин афзун зеб ила зийнат била.

Туррага тумори зарринлар осиб,  
Олдимизга келди оҳиста босиб.

Ул келон соатда аҳли анжуман,  
Нутқи ҳол ила дедилар бу суҳан.

Зи фарқи то боқадам ҳар кужоки минигирам,  
Карашмаи домони дил микашад ки жо инжост.

**Ва Хилвати бе забони ҳол низ ин фард бар хонд.**

**(Хилватий ҳол тили билан яна бир нарса ўқиди)**

**Фард:** Китобхонаи олами варақ варақ кардам,  
Хатиту дийдам гуфтамки муддао инжост.

Келдию ўлтурди минг таъзим ила,  
Ишвалар бирла табассумлар қила .

Орқасида бир неча хизмат гузор ,  
Қўлларида шишау сатори бор .

Баъзи шарбатдор баъзи нағмасоз,  
Барчаси ишратнавозу ғамгудоз.

Улки шарбатдор эди тутди қадах,  
Қуйди анга бода мавж урди фарах.

Тўлдуруб гулчеҳрага сўнди ани,  
Илкига гулчеҳра олди косани .

Бир ютуб бир кимсага лутф этди жом,  
Сипқориб бўлди ани кори тамом.

Сўнгра соғарни пур айлаб бодага,  
Сўнди они дилбари озодага

Ул яна андин қилиб бир журъа нўш,  
Бир кишига берди андин олди хуш.

Бу тарика давр аро айланди жом,  
Нашъаи бахш ўлди шароби лолафом.

Олди мутриблар кўлига созини,  
Созига жўр айлашиб овозини.

Шўх чини моҳи руми ул замон,  
Рост қилди ноз ила сарвиравон.

Ҳар тарафга осилиб кокулллари,  
Сарвиги бежон бўлуб сунбуллари.

Қўл солиб оҳиста секин ер тепиб,  
Шохи гулдек ҳар тарафга эгилиб.

Ғунчани гоҳи табассумрез этиб,  
Сунбулин ҳар ёнга анбарбез этиб.

Лолагун рўмол ўраб кокил уза,  
Мавж уруб шабнам арақдин гул уза.

Гўшаи чашми ила гаҳ анга боқиб,  
Гаҳ мунга юз ишваларни кўрсатиб.

Базм андоғ гарм бўлди ушбу дам,  
Кўрмаган ҳаргиз Фаридун бирла Жам.

Бир ўйин кўрсаттиким гардуни дун,  
Ер юзида кўрмаган мундоғ ўйин.

Бўлса гар боғи Эрамда бўлғуси,  
Ё беҳишти муҳтарамда бўлғуси.

Чунки хангоми аруж шўри базм,  
Минг карашма бирла эрди ҳури базм.

Базм эли ишратни истилосидин,  
Боданинг кайфияту яъғмосидин.

Тарк этиб якборо идроки шуъур,  
Беҳуд ўлдилар ила явминнишур.

Сўнгра ўйғондим кўзум очтим туруб,  
Ҳушу ақлим жамъ қилдим ўлтуруб.

Ботинимда шўри юз минг изтироб,  
Суврати ҳолимдадур осори хоб.

Ботинимда мавж урар баҳри жунун,  
Суврати холимда ороми сукун.

Сўнгра қилдим чор жонибға нигоҳ,  
Ахтариб ул орази хуршиди моҳ.

Кўрмадим осори ул мушкин ҳилол,  
Жазм қилдимким , экан хоби хаёл.

На пари, на хур бордур, вожаб,  
На сурури айш на базми тараб.

Бу сухандур турфа мушкули чистон,  
Етмагай сиррига жуз асрордон.

Бу эрур найранги даврони сипехр,  
Ким ани даврида йўқдур зарра меҳр.

Баски, иқболинда йўқдур эътибор,  
Оқибат иқболини идбори бор.

Минг йили ҳам бир нафасдин кам эрур,  
Кўзни очиб юмғуча барҳам эрур.

Ишрату айшинидур поёни ғам,  
Дарждур саҳбои иқболига самм.

Ишрати дунё эрур хобу хаёл,  
Илтифот этмас анга аҳли камол.

Тушда кўргон базмдек афсонадур,  
Кимки анга дил берур девонадур.

Манга уйкуда кўрунди ул пари,  
Айлади идроку ҳушимдин бари.

Ушбу тушни боз кўргайманму деб,  
Ул пари бирла ўтургайманму деб.

Уйқудин тунлар кўзум очилмагай,  
Ул пари ҳаргиз тушимға кирмагай.

Ё раб, уйқудин мани бедор қил,  
Ҳушёр эт маҳрами асрор қил.

Соқиё, эмди манга паймона тут,  
Бир бериб, бас қилма, ёна-ёна тут.

Ҳафсалам нутқини хуш айлаб баён,  
Қиссасин айлай ҳарамлик меҳмон.

**Расидани жаноби Сайд Абдулқодир Далил Маккаи  
Муъаззама дар он кӯҳки вай дар ҳамин сийна бар сари  
Намангонийён зилли муқаррабат ва сояи марҳамат расонида  
буд во дар онҷо бар вазҳе сайру саёҳат иқомат доштан.**

**(Маккаи Муаззамалик Абдулқодир Далилнинг тоққа етиб  
келишлари ва намангонликларга марҳамат соясини  
етказишлари ва булар билан оз муддат сайру саёҳат  
қилганликларининг баёни)**

Бир куни бир қосиди ширинзабон,  
Баҳжат афзо руҳпарвар хуш баён.

Муждаси мифтоҳи абвоби сурур,  
Ҳарфидин завқи сафо қилғой зухур.

Хуш тавозеъ боадаб хуш хулқи хуй,  
Мабдаи нашъу намо чун оби жуй.

Суръат ила етти чун боди сахар,  
Тиз буқуб одоб ила берди хабар.

Ким Намангон шаҳрида меҳмонмиз,  
Қайси меҳмонким баданда жонмиз.

Машъали маҳфил чироғхонамиз,  
Зебу айвон зийнату кошонамиз.

Ходими байтуллаҳ ҳодийи асбил,  
Сайид Абдулқодир доно Далил .

Тоғ сайрига қадам келтурдилар,  
Мақдами лутфи карам келтурдилар.

Мунда келгайлар бу дам бу номдор,  
Минг чаман файзи ила чун боди баҳор.

Бу хабардин шод ўлуб Нодим ўшал,  
Бошукуху фаззу рифъат чун жабал.

Соҳибу қадру жалолу мартабат,  
Лойику давлат муалло манқабат.

Одам ирсол этти истикболига,  
Жаҳд қилди ҳурмат истикмолига.

Келди ул соатда ул баҳри шараф,  
Тоғ аро тўлди шарафга ҳар тараф.

Юсуфи чодирда ором олдилар,  
Васлидин ушшоқлар ком олдилар.

Чунки ул оройиши айвони файз,  
Луқмайи ширини дастурхони файз.

Тоғи домонида бўлғач жилвасоз,  
Тоғ қилди чархига изҳори ноз.

Айлагач ул шахсувор анда жулус,  
Меҳр таъзимига бўлди хоки бўс.

Тоғ аро барча набототу гиёҳ,  
Дейди яксар хайра мақдам, марҳабо.

Мавж урди ул қадар уммони файз,  
Тоғ бўлди ғарқайи тўфони файз.

Зоҳир ўлғон ул куни файзу футуҳ,  
Шарҳ қилмоқға керакдур умри Нух.

Қиссаи кўтаҳ тўрт соат улкиром,  
Базмида нўш эттилар аҳбоби жом.

Сўйулуб қўйлар, пишиб ҳар хил таом,  
Бўлдилар мамнуни неъмат хосу ом.

Тўра бирла банда икки ёнида,  
Ўлтуруштук қурби дастурхонида .

Қулзами басти талотум айлади,  
Ғунчаси арзи табассум айлади.

Очилиб табъи гулистони ани,  
Тўлди гулға тоғ жайбу домани.

Ул куни иқболим фалак мунда экан,  
Толёим феруз давлатманд экан.

Ким ушал меҳри сипеҳр иззушон,  
Зарраи ожизға бўлди меҳрибон.

Дийдаи алтофини боз айлади,  
Анжуман ичра сарафроз айлади.

Дам-бадам қилди яқинроқ ёнига ,  
Тегди домоним ани домонига .

Дам-бадам айлаб карам бирла нигоҳ,  
Жойгоҳим қилди фавқи аҳли жоҳ.

Қолмасун махфийки ул соҳиб шукуҳ,  
Истироҳат айлагач болойи кўҳ.

Хуш келиб анга фазойи кўҳисор,  
Кўнглидин чиқти ҳама гарду ғубор.

Хирман этти шодлиғидин тоғ –тоғ,  
Ғунчаи кўнгли очилди боғ-боғ.

Ботинийдин зоҳир ўлди инбисот,  
Муттасил нўш айлади жоми нашот.

Жабҳасидин ҳамчу айёми баҳор,  
Тозалиғ осори бўлди ошкор.

Арсаи тафриж аро ўйнатти от,  
Топти бир соатда минг йиллик ҳаёт.

Бу тараблик дамки кўнгли шод эди,  
Меҳнати айёмидин озод эди.

Риққати дилдин вужуди бўлди об,  
Дийдадин ерга тўкуб дурру хуш об.

Ёд этиб аҳли Намангонни тамом,  
Фарқ қилмай шайхи шобу хосу ом.

Қўл очиб қилди дуо дурру дароз,  
Мустажоб утсун, Худоё, бениёз.

Сўнгра ҳозирларға гулдек очилиб,  
Лаълидин дурру жавохир сочилиб.

Ҳар бири ҳолига лойиқ гуфтигў,  
Қилди ул мавжи муҳити обрў.

Таржимон ҳарфини тафсир айлади,  
Турк лафзи бирла тақрир айлади .

Фаҳм этиб мазмуни ҳарфин ҳозирон,  
Бўлдилар хаддин зиёда шодмон.

Жон фидо қилмоқ таманно қилдилар,  
Дилларига меҳрини жо қилдилар.

Сўнгра айлаб фотиҳа кўзғалдилар,  
Тўрадин ёнмоқға руҳсат олдилар.

Хайрбод айлаб қилиб оҳанги роҳ ,  
Йўлға тушти сақласун доим Илоҳ.

Базм учун, соқий, ўзинг омода қил,  
Кўзларинг ашки шароби бода қил.

Ким келур тоғ ичра бир неку шиор,  
Қилғали сайри фазоий кўҳисор.

Келса бўлғай хаймамизга меҳмон,  
Анга бергайсан шароби арғувон.

Бир қадах бирла қилсун қул они,  
Зулфинг ўлғой гарданига ғул они.

**Расидан Қодирхўжа эшон писандийда атвори ашраф илтижо барон кўҳсор ва рафтанаши базиёрату нодира кор он дарат нигор.**

**(Қодирхўжа Эшоннинг тоққа етиб келиб илтижо қилишлари ва сайрдан сўнг Нодирабегимнинг зиёратига бормоқликларининг баёни)**

Бир куни тоғ ичра кўзгалди ғулув,  
Тушди кўҳсор аҳли ичра гуфтуғў.

Ким келурмиш тоғ сайрин қилғоли,  
Тоғни раъносидек очилғоли.

Навжавони тоза рўйи зийраки,  
Хайр кишидур андиши закий.

Аҳли давлатларни садри маҳфили,  
Толиби Ҳақ мухлиси аҳли дили.

Яъни Қодирхўжаи равшанзамир,  
Ақлу донишда жавони беназир.

Сўнгра худдоми қадам еткурдилар,  
Хаймаи шоҳонасини қурдилар.

Бад аз онким бўлди барпо хаймаси,  
Ўйлаким Жамшиди Доро хаймаси .

Шаҳри соридин тушти бир шамол,  
Эътидол анга ғулому дайру сол.

Чун насими остини маҳвашон,  
Роҳати руҳи равон оромижон.

Сўнгра Қодирхўжаи давлат шикор,  
Бўлдилар пайдо миёни кўҳисор.

Ул келон соатда биз ёрон ила,  
Сайид Абдулқодир меҳмон ила.

Масти нўшо нўши Жоми базм эдук,  
Маҳви соҳиб эҳтироми базм эдук.

Сув лабида сабзадек сероб эдук,  
Беҳуд андоғким, томошабоб эдук.

Етти ул дилхоҳчун аҳди шабоб,  
Файзи минг фасли баҳорон ҳам рикоб.

Кўзлари бизларга тушти ногоҳон,  
Хам бўлуб қилди алифдин дол аён.

Сарвидин бўлди намоён шоҳи гул,  
Ҳусни хулқи қилди ёронларни кул.

Берди бозори таҳийятга ривож,  
Олди иқлим тавозеъдин хирож.

Суръат ила ўтти ул давлат маоб,  
Барқ янглиғ барқ уруб айлаб шитоб.

Бир нафасда сайр этиб чандин жибол,  
Чун саманди фикри чун рахши хаёл

Боргоҳига етиб топти сукун,  
Хуррам ўлди тоғ эли хаддин фузун.

Топти шоду равон хос ичра фароғ,  
Урди гесуйи фароғатга тароғ.

Соати роҳат муқарринда мақом,  
Топти ул шойистаи садд эҳтиром.

Хайма ичра соати ором олиб,  
Истироҳат гулруҳидин ком олиб.

Еткуруб жамъи жаворихга сукун,  
Шод этиб роҳатни меҳнатни забун.

Фатҳи иқлими фароғатдин кейин,  
Аклу шурбу нўшу роҳатдин кейин.

Тўра тавфин қасд этиб ул шери нар,  
Боғлади белга азиматдин камар.

Давлати иқболидин айлаб ғулом,  
Хаймаи Нодим сари қилди хиром

Пешрав олдида амвожи ҳаё,  
Соя айлаб бошида абри ғино.

Сидқ ила ихлосдин савғоси бор,  
Лафзи хушдин нон ила ҳалвоси бор.

Боргоҳи Нодимига юрди роҳ,  
Ул карам парвардаи эҳсон паноҳ.

Тўрага етти мулоқат айлади,  
Сарф чандин эҳтиромат айлади.

Қўйдилар сўнгра ўтов ичра қадам,  
Ламъазан пешонада нури карам.

Орқасида соядек ҳуддомлар,  
Барчаси дилхоҳи неку номлар.

Солдуруб Нодим анга дастурхон,  
Лойиқи ҳоли ғино парвардигон.

Суҳбат аролиқ топиб авжу камол,  
Сийналарда қолмайин зангу малол

Анжуман чун қасри шаҳ обод ўлуб,  
Аҳли суҳбат бир-биридин шод ўлуб.

Тўра бирла хўжа ҳамзану бўлуб,  
Иккиси чун соғари мамлу бўлуб.

Нашъалик сўз бирла элни маст этиб,  
Ўлтуруб сайри баланду паст этиб

Кирдилар боғу нашот ичра тамом,  
Тердилар гуллар ўтурган хосу ом.

Мутрибо, оҳангу ишрат соз қил,  
Руҳипарвар нағмаи оғоз қил.

Соқиё, лутф эт манго бир коса май,  
Ичмаган бўлсун они Ковуси Кай.

Маст ўлуб бу чехра пардози мақол,  
Машъал афрўзи шабистони хаёл.

Хилватий саййоҳи кўҳистони назм,  
Махрамга доройи шаҳристони назм.

Сайр қилсун тоғ балосийни ҳам,  
Сўрсун анда нашъаи фағфуру жам.

**Барсари куҳ шудан ин ҳикоят тароз афсонаи хиёл ва  
чехраи пардоз арвусон мақол.**

Хомаи мазрат нигоре нуктасанж,  
Ким анинг нўги эрур мифтоҳи ганж .

Доимо маъни тилсимотин очар,  
Ганжи ботиндин жавохирлар сочар.

Бўйла ўлғойдур фишонким ул замон,  
Ким далили раҳнамои ҳожиён.

Нодими ёронға айлаб хайру бод,  
Кеттилар суръат била монанди бод.

Баъд аз он бу нозиму афсонагў,  
Хилватий соғар талаб майхонажў.

Бир рафоқат пешани ҳамроҳ этиб,  
Тоғ сайрин нақшини дилга чекиб.

Тоғ устига чикиб чун ваҳшиён,  
Сайр қилди гаҳ у ёну гаҳ бу ён.

Пасту болони тамошолар қилиб,  
Нашъаи пайдо дафъи савдолар қилиб.

Ҳар тараф айлаб тафарруж шод ўлуб,  
Кулфату андуҳдин озод ўлуб.

Хуррам андоғким чаманда андалиб,  
Шод ҳандонким ватан ичра ғариб.

Мавж уруб тоғ узра ман гул бул вужуҳ,  
Мавж уза мавжу шукуҳ узра шукуҳ.

Рифъати баҳжат бу янглиғ ким само,  
Раҳши жавлонига бўлди зиру по.

Пок ўлуб ғубро ғуборидин замир,  
Кўк уза барпо қилиб чатру сарир.

Гунбази гардун ўлуб тоқи нишот,  
Абр ўлуб фарши бисоти инбисот.

Фикри қилди бўл қадар боло уруж,  
Остида қолди ани зотил буруж.

Нашъалар топтики, топган йўқ киши,  
Кайфлар сурдики, сурган йўқ киши.

Бу фуйузоти Илоҳидин кейин,  
Бу ҳама иқболи шоҳидин кейин.

Бир тарафда бир жабал кўрди рафиъ,  
Чун ҳисори чархи болоу маниъ.

Тошлари соҳиб жило зулматзадо,  
Улқадар равшан эрурким гўйиё.

Айламишдур сунъи Ҳақ сайқал гари,  
Соф чун оинаий Искандари.

Ламҳаи маҳви тамошоси эди,  
Ғарқаи баҳри тажаллоси эди.

Фикр қилдиким анга қўйғой қадам,  
Сайр этар ул тоғ болосини ҳам.

Ким анинг устида халлоқи жаҳон,  
На тариқа айламиш қудрат аён.

Бўлди илҳом эмди қил сайрингни бас,  
Хокисор ул қилма болони ҳавас.

Баски, аслинг хокидиндур, хок бўл,  
Доманинг олуда қилма пок бўл.

Ушбу ҳолат барқи ҳайрат пардирав,  
Барқи хирман сўзи тоқат пардирав.

Жўш уруб дилдин хушуъ бирла хузуъ,  
Хайма сори қилди оҳанги ружуъ.

**Боз омадани Хилватий аз кuche пуршукуҳ ва расидане бу суйи саро пардаи Нодиме ва дийдане у Қодирхўжа эшонро дар онжо ва мулоқот кардане вай бо вай ва илтимос намудане вай аз вай дар ошноие суҳбат бар мазу имо ва киноятки шикорон куруз паёни вақеоти саёҳат ва тафарруж ҳоки дар саййидгоҳи сайри кўҳистон ва чандин ҳаракат ва такопу бад аст оварда шуд. Агар ҳавсалаи ёри диҳад ва фурсат мисоида намояд бариштаҳои назм кардан баста башаҳри бурда шавад бисёр хуб ва нику бешуд ва бағоят мақбул ва писандида минамуд. (Хилватийнинг тоғдан қайтиб, Нодимнинг хузурида Қодирхўжа Эшон билан мулоқотда бўлишлари.)**

Тоғ аро хуррам бўлиб боғи кўнгул,  
Бу қадарким боғ ўлуб доғи кўнгил.

Мавж уруб завқу сафо рафторидин,  
Хилватий қилди ружуъ кўҳсоридин.

Ғунчаи зоти табассумзор эди,  
Фарқи сар то нақшипо гулзор эди.

Дастаи гулдек бўлиб бошдин оёғ,  
Ийлаким душманлар андин бўлди доғ.

Хаймага борди тароват жўш ўлуб,  
Дил саропо ҳарфилаб хомуш ўлуб.

Кўрдиким анда жаҳони марҳамат,  
Хайма ичра осмони марҳамат.

Дилкушолиғ дафтарин дебочаси,  
Боғи давлатни гули раъночаси.

Абдуқодир хўжа фарруҳлиқо,  
Маъдани хайру мурувват ошно.

Нодими дилхоҳни ёнидадур,  
Чун ситора моҳни ёнидадур.

Хилватийни кўргач ул боло макон,  
Олдиға келди они то остон.

Меҳрибонлиғ бирла бўлди ҳам қучоғ,  
Ғайр жонибға солиб доғ узра доғ.

Ўзидин илгари юргузди они,  
Садр мажлисга ўтурғузди они.

Фаҳм этиб лозим ўзига иззатин,  
Ҳадди ғоятдин оширди ҳурматин.

Яхши-яхши нукта оғоз айлади,  
Нағмаи дилдорлиғ соз айлади.

Ўтти миқдори замон бу ранг ила,  
Бу тариқа ғамзада оҳанг ила.

Дилки сайри боғ ила тоза эди,  
Баҳжати беҳадди андоза эди.

Айлагач дилжўйлуғ ул мухтарам,  
Тозалиқға тозалиғлар бўлди зам

Ушбу ҳолат ким кўнгул масрур эди,  
Шамъ айвони тараб пур нур эди.

Ҳуш такаллум ғунчани гулрез этиб,  
Лабни гулбарги тароват хез этиб.

Бандага айлаб нигоҳи дилнишин,  
Дурру ғалтонларни тўкти лаълидин.

Сўзлади рамзи ишоратлар била,  
Рамзу имоу киноятлар била.

Рамзидин билдим мақосидни тамом,  
Бу тариқа эрди мазмуни калом.

Ким бу сайру басту тафрижу сурур,  
Бу саёҳат, бу ҳаловат, бу ҳузур.

Бу ҳама жамъиййату аҳбоблар,  
Бу назоратлар бу обу тоблар.

Бу тамошои жиболи олиёт,  
Собитоту шомихоту росиёт.

Бу мутарро сабзозору обишор,  
Бу лаби сою бисоту беғубор.

Бу кабобу, бу шаробу, бу рубоб,  
Бу мудаввар ҳаймаи олийжаноб.

Бу фазои вусъату обод фарох,  
Бу сурури барги баргу шохи шох.

Бу шамоли руҳпарвар соялар,  
Бу маҳалли айшу ишрат моялар.

Бу лавозимлар мукамал анжуман,  
Бу ҳавойи айшпарвар ғамшикан.

Бу нигору, бу жамолу, бу камол,  
Бу қадар жамъияту базми висол.

Бу фазоу, бу сафоу, бу замон,  
Бу каноре обу жамъе дўстон.

Бу маю, бу соқийу, паймоналар,  
Бу хаму, бу соғару мастоналар.

Ваҳшилардек қолмаса бу тоғ аро,  
Қўзилардек қилса жавлон боғ аро.

Бўлмаса нобуд беному нишон,  
Достон ўлса баройи дўстон.

Сафҳада жавлон берилса хомаға,  
Бу тамошони солинса номаға.

Ибтидо то интиҳо ушбу сафар,  
Пардаи назм ичра бўлса жилвагар.

Шаҳр элига армуғон бўлғой эди,  
Барг сабзи жовидон бўлғой эди.

Сиз била биздин бўлурди ёдгор,  
Қолғай эрди бу жаҳонда пойдор.

Шул эди тафсили ижмоли калом,  
Рамзининг мармузи шарҳ ўлди тамом.

Соқиё бергил мусаффо соғари,  
Айласун дилни кудуратдин бари.

Ҳамсафарлар бирла нўш айлаб тамом,  
Поччанинг қабрига айлайлук хиром.

Сурмаи ибрат олайлук хокидин,  
Файзи жамъийят топайлук хокидин.

**Ба зиёрати турбати мазҳариш шарофат вал каромат жаноби  
ҳазрат Почча ато Нуруллоҳи Таъало ва тақаддаса марқада**

**рафтан ва оёти раббони ва калимоти самадони ба рухе пур  
футухаш хондан ва азҳоки по каш сурмаи руҳони бардоштан.  
(Каромат соҳиби бўлган Нуруллоҳ Почча ота хазратларининг  
зиёратларига бормоқлик ва у кишининг руҳларига Қуръон  
тиловат қилиб, у кишининг тупроқларини кўзларига сурма  
қилганликларининг баёни )**

Бир куниким тоси чархи вожгун,  
Тоқи дайрин осмони нейлигун.

Кўхисар ҳаддига шафқат бор эди,  
Марҳамат мазҳар карам исор эди.

На очик эрди ҳавоким офтоб,  
Жўшишидин топса жонлар изтироб.

На булут бу навъиким борони ул,  
Қилса хотирни паришони малул.

Абр сув пуркўб жабал атрофига,  
Равнақ ортургон набот аснофига.

Шуст сув топгон дарахтону гиёҳ,  
Кўз жало топгай анга қилса нигоҳ.

Ул қадар эрди тароват тоғ аро,  
Ким ҳужуми етган эрди то само.

Нотикқа ожиз эрур таъбирига,  
Хома қосирдур они таҳририга.

Ҳазрати Нодимни кўнгли соф ўлуб,  
Баҳжати боло чуқуҳи қоф ўлуб.

Дейди: эй ҳамроҳи, кўху даштулар,  
Ҳамдаму ҳамсухбату ҳам гаштулар.

Сокинони хаймаи пў бастаги,  
Лобисони кисвати ворастаги.

Хона бар дўшон дашти иттиҳод,  
Дашту паймоён водийи вадод.

Балдаи андуҳидин сад даштидур,  
Ҳизру саҳрогарди саҳройи сурур.

Маслаҳат шулким букун отланғамиз,  
Турбати Почча Отоға борғамиз.

Тавф қилғаймиз мазорини анинг,  
Сурма қилғаймиз ғуборини анинг.

Чун бу ишга маслаҳат топти қарор,  
Азм қилдук отланиб суйи мазор.

Нодиму доно эди, пири гурух,  
Йўлға туштук барчамиз паҳлуйи кух.

Мақдами аввал етиб файзи футух,  
Мунбасит бўлди ажаб қалб ила рух.

Етгуча то марқади марди Худо,  
Ҳар қадам бўлди фузун, файзи сафо.

Чун кўрунди марқади оттин тушуб,  
Юрдилар одоб домонин тутуб.

Ҳурматин айлаб зиёрат қилдилар,  
Ояти Ҳақдин тиловат қилдилар.

Қилдилар шарти зиёратни бажо,  
Ўйлаким шод ўлди руҳи авлиё.

Ёндилар сўнгра ҳама неку ниҳод,  
Хоки покидин ани хурсанди шод.

Ман қолиб эрдим таҳорат қиғали,  
Бад аз он бориб зиёрат қилғали.

Айладим оҳанги таждиди вузуъ,  
Сўнгра бўлдум мард Ҳаққа рўбарў.

Ҳурмат ила бордум они ҳокига,  
Жабҳа сўрдум остони покига.

Ламҳаи бўлдум мароқиб қабрига,  
Чашми ботин бирла боқиб қабрига.

Баски руҳи пок ила эрди ҳаёт,  
Топғони эрди нафс қайдидин нажот.

Ҳосил этган эрди умри жовидон,  
Лек эрди парда кейнида ниҳон.

Қабрида жаннат гули хандон эди,  
Ходим анга ҳур ила ғилмон эди.

Қилди алтофи фаровон бандага,  
Ёзди дастурхонни эҳсон бандага.

Ҳаддидин афзун мурувват айлади,  
Воқифи асрори ибрат айлади.

Соқиё, лутф эт шароби дилкушо,  
Нашъаси бирла кўнгул тобсун сафо.

Марҳамат қил манга руҳоний суббуҳ,  
Жисму фарсудомға кирсун тоза руҳ.

**Дар баёни фавойид ва манофиъики, дар он пок турбат бе  
зуҳур расидан ва бавуқўъ пайваст.**

**(Қабр зиёратидан олинган манфаат баёни)**

Нутқи қол ила ўшал аҳли сафо,  
Марду майдону вафо Почча ато.

Бу тариқа қилди тақрири сухан,  
Каймани туфроғим узра ўлтуран.

Шарҳ этай ҳолимни кетма беҳабар,  
Не ажаб қилса иборотим асар.

Ул замонким ман жаҳонда бор эдим,  
Бебақо кишвар аро сайёр эдим.

Эътиборим бор эди мардум аро,  
Сайргоҳим эрди гулзори ғино.

Баски, эрди фитратим миръоти соф,  
Ҳимматим бало эди чун Кўҳиқоф.

Равшан эрди манга асрори ниҳон,  
Зоҳири аҳвол замину осмон.

Хилқатим билдим, эди ирфон учун,  
Тоати Халлоқи инсу жон учун.

Қаллати фурсат манга маълум эди,  
Зойиъ этмак умрни мазмум эди.

Ихтилоти халқ эди нуқсони кор,  
Эл мадороси солиб дилга ғубор.

Ихтиёри узлат эттим оқибат,  
Илтизоми ғурбат эттим оқибат.

Одам аҳлига қилиб бегоналик,  
Ваҳшиларга айладим ҳамхоналик.

Зикри Ҳақдин ўзгадин бўлдум жудо,  
Дилдин эттим маҳв нақши мосуво.

Барчадин яксу бўлуб Ҳакни дедим,  
Меваи боғи риёзатни едим.

Тоқатимни сарфи тоат айладим,  
Кечаю кундуз ибодат айладим.

Ишқ ўти урди вужудимга шарар,  
Ўзлугумдин қолмади зарра асар.

Куйди хористони барча орзу,  
Гулистони руҳ топти ранги бў.

Тегди охир илкима жоми ҳузур,  
Ҳақ тажалли қилди манга ҳам чутур.

Нафси осори бўлуб яксар фано,  
Бўлдум охир доҳили базми бақо.

Айладим ҳосил ҳаёти жовидон,  
Боргоҳи қурбида топтим макон.

Бу ҳама тавфиқи Ҳақдин қилди кул,  
Варна қайда борғуси бечора кул.

Бу сифат бирла қилиб тарки жаҳон,  
Руҳим этти жаннат ичра ошиён.

Ушбу ерда жисмим ўлди зири хок,  
Тоғ бағрида манга бўлди мағок.

Маркадим бўлди бу ерда ошкор,  
Топтим атрофи жаҳонга иштиҳор.

Турбатим бўлди зиёротгоҳи халқ,  
Маржиъ жамъи гадоу шоҳу халқ.

Неча йиллардурки қабримдур матоф,  
Эл мазоримда қилурлар эътикоф.

То қиёматга кетар ушбу насақ,  
Бу эрур осори нури зикри Ҳақ.

Бу ҳама кадру Жалолу иззушон,  
Бу қабулу хотиру пиру жавон.

Ранги бўйи гулшани ҳиммат эрур,  
Шох барги решаи узлат эрур.

Ҳиммату узлат надур, эй нуктадон,  
Иккисин фаҳмини эт бизга баён.

Ҳиммат улким, тарк қилғой мосуво,  
Узлат улким бўлғой ўзликдин жудо.

Бу икки хислат била мардони Ҳақ,  
Мактаби қурбатда олдилар сабақ.

Сўз узун эрди қилинди интиҳоб,  
Аксари қолди ниҳон зири туроб.

Илмидур махсус доноёки роз,  
Аҳли бенишларға бўлғай парда боз.

Кўрмагайдур бебасар жуз тўда хок,  
Бўлмас анга кашфи асрори мағок.

Нутқи ҳол ила ўшал олиймақом,  
Мухтасар айлаб тамом этти калом.

Интизоъидур бу тақрир, эй рафиқ,  
Маҳрам ўлмас анга жуз аҳли тариқ.

Қолмасун маҳфий бу сўзким мурдагон,  
Ҳуфяи бу ваъз қилғайлар баён.

Эй тириклар, юрмангиз ғафлат била,  
Шомингизни субҳ этинг тоат била.

Эрта ё кеч кўмулурсиз хок аро,  
Қабрингиз пинҳон ўлур хошок аро.

Охиратни ёдида бедор ўлунг,  
Йўлиға омода бўлуб, тайёр ўлунг.

Йўл узун ишғоли кўп фурсат қалил,  
Форуғ ўлтурманг, қилинг саъйи жамил.

Жаҳд этингки ўтмасин вақти сужуд,  
Фурсат ўтгон сўнг надоматдин на суд.

Марг домига илинмасдин бурун,  
Тўша топинг бўлманг уқбода забун.

Хилватий кимки эрур аҳли назар,  
Айласа қайси гўристондин гузар.

Шарҳ этар бу сирни алвоҳи қубур,  
Кўрмас улким бўлмаса кўзида нур.

Бизни, Ё Раб, соҳиби идрок қил,  
Воқифи сарҳат лавҳи хок қил.

Чун зиёратдин топиб файзи хузур,  
Хаймага қилдук ружуъ ғарқи сурур.

Жон фидойи боқинингдур, соқиё,  
Лутф этиб сўнғил шароби ғамзадо.

Нўш этиб ул бодаи файз ошкор,  
Бу сухангўдин кетиб ранжу хумор.

Айласун табъи бўлуб рашки чаман,  
Тўрақўрғонлик рафиқлардин сухан.

**Ҳарфи аз дафтари кайфиёти Тўрақўрғониён ва сатри аз унвони Махомид ва маноқибӣ эшон Али ваҷҳул ижмол вал интиҳоб фи мақомул баён.**

**(Тўрақўрғонликлар аҳволини баён қилишлик ва Эшон Алихонни таърифлари ва чиройли ҳулқларини баёни)**

Бор эди ҳамроҳлардин икки мард,  
Мисли нодир зери чарҳи ложувард.

Иккиси мумтоз эрур имсолидин,  
Воқиф ўлдук иккисин аҳволидин.

Тўрақўрғон сар заминидин алар,  
Халқининг бекибру кийнидин алар.

Бириси маҳдум Сайфиддин дегон,  
Порсо, фитрат, некухў, навжувон.

Отаси қози халифа эрдилар,  
Соҳибӣ нури латифа эрдилар.

Ҳазрати қози Низомиддинки хақ,  
Берган эрди илму ваҳдатдин сабақ.

Тўрақўрғон пешвосидин эди,  
Аз киёву, атқийёсидин эди.

Урсаи ишқи Худода мард эди,  
Икки дунё фикратидин фард эди.

Хақни деб тарки тажаммул айлаган,  
Кўп риёзатга таҳаммул айлаган.

Кишвару фақру фанода шоҳ эди,  
Фозилу алломаи огоҳ эди.

Муршиди эрди Баҳодирхон эшон,  
Пири Раббони имоми орифон.

Мадҳида пиру хурд ҳайрон эрур,  
Водий ҳайратда саргардон эрур.

Мисли ким келган эди Фарғонага,  
Равшан эрди оқилу девонага.

Сайфиддин маҳдум ажаб маҳмул экан,  
Шакли матбуъе, қилмиши маъқул экан.

Феъли атворида йўқ зарра малол  
Бетакаллуф бемалолат лову бол

Номулойим ҳарфи ҳаргиз қилмагон,  
Ҳеч кимни кўнглини оғритмагон.

Кимсага бўлса мусоҳиб эрта кеч,  
Қилмаган ахлоқи номарзия ҳеч.

Ҳамнафас кўнглини хурсанд айлаган,  
Хулқи хуш бирла они банд айлаган.

Сурати марғуб сийрат дилписанд,  
Халқаро қадри баланди аржуманд.

Соҳиби илми расоу хушёр,  
Соҳиби идроқи тамкину виқор.

Лойиқи базми фазилат машрабон,  
Маҳрами ижлоси жамъи фозилон.

Тўрақўрғон кишварин аъёнидин,  
Фавқи эрур имсолидин, афронидин.

Бу сафарда бизга то бўлди рафиқ,  
Бўлди беҳад мушфиқи ёру шафиқ.

Қилмади бир жунбиш ул озода мард,  
Тушса андин табъи миръотига гард.

Зикри иккинчи рафиқдин хомамиз,  
Ихтитом этгай саёҳатномамиз.

Ҳамроҳи дуввум зиҳи равшан замир,  
Мирзо Олим қорию марду далир.

Ботинидур кибру нахватдин бари,  
Тийнати ахлоқи неку масдари.

Ҳожи хушвақт понсад авлодидин,  
Элга теккан манфаат аждодидин.

Чун адаб мақбули мардони Худо,  
Чун ҳаё манзури жамъи азкиё.

Ҳазрати Нодимки боғи маънидур,  
Қулзуме мазмун булоғи маънидур.

Қорининг авсофидин қилди сухан,  
Бўйлаким сабз ўлди лафзидин чаман.

Деди сўзларким дуру ғалтон эди,  
Нукталарким лулу у маржон эди.

Мажмаъил ихвон эрур кошонаси,  
Жомиъил азёб меҳмонхонаси.

Манзили мардумға меҳмонхонадур,  
Келса меҳмон бошида парвонадур.

Дейди ул навбодаи боғи адаб,  
Чун гармийон мазҳари алтофи Раб.

Маз раъи амоли сабза тозадур,  
Кавси иқболи баланд овозадур.

Партави давлат аён сиймосидин,  
Жўйиборидур вафо дарёсидин.

Жадди эрди давлат аҳлидин нишон,  
Соҳиби шавкат миёни мардумон.

Ному валоси анинг хушвақт эди,  
Хулқидин олам ҳама хушвақт эди.

Хону беклар наздида эрди писанд,  
Номуварлар мажмаъийда аржуманд.

Тўрақўрғон аҳлига сардор эди,  
Обрўманду шукуҳи бор эди.

Бу анингдек бир нишона бўлғудек,  
Хосу ом ичра ягона бўлғудек.

Бизга атвори ҳама манзур эрур,  
Кирдоридин кўнгил масрур эрур.

Бу тарика сўз била ул неку ном,  
Нодими ширин сухан дилкаш калом.

Қорининг васфида қилди қилу қол,  
Ҳарфидин бўлди равон оби зилол.

Орий-орий ростдур сўзлар тамом,  
Бўлди зоҳир шоҳиди сидқи калом.

Неча туну кунки биз сайёр эдук,  
Қорига ҳамроҳ ҳам рафтор эдук.

Сирридин фил жумла тобтук иттилоъ,  
Олдук овзоъи хушидин интифоъ.

Тийнатида йўқ экан гарди ғурур,  
Пешасийдур они идхолус сурур.

Доимо хизмат мақомида экан,  
Ҳамнишинлар эҳтиромида экан.

Кимсага қилмас маломатлик суҳан,  
Хуйидин озор кўрмас ҳеч тан.

Анда йўқ кибру аноният сира,  
Нораво феълу ёмон ният сира.

Қомати бор тавозеъ бирла ҳам,  
Нараво андиша кўнглида адам.

Кимга –ким бир лаҳза суҳбат айлағай,  
Анго жону дилда хизмат айлағай.

Хар қачон кўрсанг жабинидур очук,  
Юзларидур ойу кун янглиғ ёрук.

Феълу хуйидур саодатдин нишон,  
Олийҳимматлик вужудидин аён.

Бўйла зикр улдурки бир лайлу наҳор,  
Ўйида бўлмиш далили номдор.

Хизматин қилмиш ани бир туну кун,  
Кўнгли очилмиш они ҳаддин фузун.

То далил эрди анинг айвонида,  
Минг киши бор эрди дастурхонида.

Фарқ қилмай хосу омини тамом,  
Айламиш хизматларига ихтимом.

Кўп дуо айлаб чиқиб бўлмиш равон,  
Ул шарофатлик муборак меҳмон.

Қисса кўтаҳ сўз мухаллас вассалом,  
Қорининг зикри билан нома тамом.

**“Сайри жибол” манзумаси тамом бўлди**

## Сана 1328 хижрий

Алхамду лиллоҳи таоло ва тақаддас вассаллоту ала Расулиллоҳи таоло ва алайҳи ва ала олиҳи ва асҳобиҳи ва саллам. Баъдаху бар дўстони равшанниҳод ва ёрони пок эътиқод пўшида намонадки, батавфиқи Худованд жалла зикруҳул азиз манзумаи “Сайри жибол” баитмом расид ва баанжом пайваст. Баъд аз он барои тафрижи қулуби соҳибони сидқу сафо ва таншити замоири соқинони зовияи закоу вафо баъзе вақоеъроки, дар ин манзума таъаллуқ дорад баъзи қасоидроки, дар азмина гузашта аз сандуқи адам дар маҳфили вужуд омада буданд илҳоқ карда шуд.

Мулоқот шудани Хилватий бо саййид Бурҳонхўжа Эшон ибн Эминхўжа Эшони марҳумий баъда аз омадани аз кўҳ ва пурсидани вай аз вайки: аз “Сайри жибол” моро чи тухфа оварди? Ва жавоб додани вай бо вайки: аз кўҳистон бўстон овардамки, мурод ҳамин манзумаи буд.

Чунки келдук тоғ сайридин тушуб,  
Беадад сунъи илоҳийни кўруб,

Бир неча ҳамроз улфат пешалар,  
Мазҳарул ихлосдур андишалар.

Бизни кўрдиларки, келдук шодмон,  
Офиятманду тараб хуш омон.

Айлаб изҳор мусаррат келдилар,  
Қилғали бизни зиёрат келдилар.

Бул тарика бир кун ул файз иктирон,  
Марҳамат мазҳари Саййид Бурҳон эшон.

Бемалолу бетакаллуф, бевафо,  
Бетақазо, бетакаббур, бериё.

Ёдгорхўжа Эминхон эшон,  
Соҳиби нисбат азизлардин нишон.

Бони сақфи баланд мадраса,  
Аржуманд, дилбанд мадраса.

Бандани кўрди табассумлар билан,  
Меҳрибонликлар, тараххумлар билан.

Бўлди ҳам оғуш дедиким қачон,  
Тоғдин келдингиз эй, равшан ниҳон.

Бизга ёд оварнадур Кўҳисоридин,  
Сайри саҳрои фарах осоридин.

Ман дедим: “Фирул ҳол, эй сарвиравон,  
Тоғдин келтурмишам бир бўстон”.

Бўстоне руҳипарвар дилнишин,  
Сайргоҳе азкиё мўъмнинин.

Гулшане хўб ажаб ораста,  
Маз озоре тоза ва навхаста.

Дурида янги кўчатлар сабзу тар,  
Бир-биридин дилкашу марғублар.

Кўшаларда суффаи шоҳоналар,  
Ҳар каю ерларда ишратхоналар.

Неча ерда чашмалар бўлғон равон,  
Сафу равшан чун замири орифон.

Васиъат ободи ки, чун саҳни хиёл,  
Айлагай ганжейиш юз минг жибол.

Қиш била ёзда баробар тозадур,  
Мадҳидин офоқ аро овозадур.

Кўрмагон, эшитмагон мардумани,  
Канизи махфийдек ниҳон бир гулшани.

Васфин эшитгон киши ахтарадур,  
Чор атроф жаҳонга борадур.

Хўжа айди, қайдадир ул бўстон,  
Бўлсин ул манга таваққуфсиз аён.

Ман дедим, холо ниҳондур ғунчада,  
Ул гулистон гулафшондур ғунчада.

Хўжа айди, қайда бўлғай ғунчаси,  
Қайси гулшанда очилғой ғунчаси.

Ман дедимким, ғунчасидур диларо,  
Топса бўлмас ани оби гуларо.

Хўжа айди, дилда ғунча найлағай,  
Сўзингиз одамни ҳайрон айлағай.

Ман дедимким, дил ўзи бир ғунчадур,  
Турфа гулшанлар анингдин очилур.

Хўжа айдиким, қачон ул бўстон,  
Ғунчадилдин чиқар эй нуктадон.

Ман дедимким, мунши тақдири ҳақ,  
Айлаган бўлса ани нақши варақ.

Ул чаманзор тамонго очилур,  
Очилур оламға гуллар сочилур.

Хўжа таслим айлади қилди дуо,  
Ким очилсун ғунчангиз бу боғ аро.

Сайргоҳ аҳли олам бўлсин ул,  
То абад сарсабз хуррам бўлсин ул.

Ҳақ дуосини ижобат айлади,  
Ғунчамизни боғи жаннат айлади.

Хилватий шод улки, ғунчанг бўлди боғ,  
Ҳосидинг бағрига қат-қат тушди доғ.

**Мурожиат намудан аз кўҳистон ва расидан дар  
Намангони жаннатнишон ва рафтани руфақои  
зурафо бахонаҳо. Ва шуруъ кардани Хилватий ба  
“саёҳатнома”. Ва омадани Қорахон Тўра Ба  
зиёрати мавлавийхон эшон салламахур раҳмон ва  
талабидани эшон Хилватийро. Ва хондани вай  
“саёҳатнома”ро қабл аз итмом дар мажлиси эшон.**

Тоғ сайрин еткуриб анжомига,  
Маст ўлиб сайри тафарруҳ жомига.

Шодмону хурраму жавлон кинон,  
Шаҳр аро келдук ҳамамиз шодмон.

Ҳамсафарлар бирла қилдук алвидоъ,  
Бежидолу, буғубору, бенизоъ.

Барча ўз манзилларига кеттилар,  
Толиби дийдорларга еттилар.

Рақам афсона кўхам хандон,  
Аҳлига бўлди неча кун ҳаммакон.

Неча кун масканда хуш етди димоғ,  
Топти ашғол мадоридин фироғ.

Мадраса ичра келиб топти қарор,  
Хужрада тутти халойиқдин кинор.

Кўнглида музаммар эди ушбу хиёл,  
Ким этар шарҳи тамошои жибол.

Чунки бу манзумага маъмур эди,  
Тарки амри этмоқ водифидин дур эди.

Ложарам ушлаб қалам бирла давог,  
Қилғали тушти баёни воқеъот.

Тоғ сайрин ибтидосидин тушуб,  
Қўйғон эрди нисор йўлиға еткуруб.

Карами жавлон баён эрди қалам,

Роҳи нуру дўстон эрди қалам.

Шавқи шарҳи воқеъа шому саҳар,  
Бу сафарда эрди Хизри раҳбар.

Бир кечаким хоп хангоми эди,  
Мавриди дилдор пайғоми эди.

Шом вақтида етиб файзу саҳар,  
Шаш жиҳатга пир эди нури қамар.

Зийри гардун ғарқои моҳи тоб эди,  
Кўча ва кўллар тафарруж боб эди.

Ётқоли бўлмас эди асло кўнгил,  
Толиби суҳбат эди сайдо кўнгил.

То кўхон бир қосид ширин калом,  
Келдию еткурди бу янглиғ паём.

Ким тилайдур сизни бир равшан замир,  
Мажлису давлат аро шамъи мунир.

Анжуман парвози айвон тараб,  
Махфил арои гулистон тараб.

Мавлавийхон Хўжаи олий насаб,  
Толиби ҳақ лойиқи алтофи робб.

Эшитиб бу муждаи беҳжад асар,  
Соядек қосидға бўлдум ҳамсафар.

Боргоҳига етиб ул некном,  
Остонада туруб бердим салом.

Берди бир хуршид пайкари офтоб,  
Садри мажлисда саломига жавоб.

Талъатидин анжуман шамъида нур,  
Ҳазратидин базм айлай ғарқи сурур.

Меҳбари афлок назокат Хўжахон,  
Моҳи гардун малоҳат Хўжахон.

Ёнида махвий жамоли қорихон,

Ханжар ишқида пора-пора хон.

Бир тарафда Мавлавийхон азиз.  
Некмарду покбозу ботамиз.

Боз неча маҳримон базми хос,  
Бода нўшон шароби ихтисос.

Бор эконлар дўстону бенифок,  
Сокинан ганжи ихлос вифок.

Чун алф яксар расо фитрат ҳама,  
Софи табъу порсо фитрат ҳама.

Чунки бу муҳаммал касри дашти фано,  
Карвонисолор сахрои ҳаё.

Кўрди мажлисни бу янглиғ пур шукуҳ,  
Олиюл авсоф мин куллил вужуҳ.

Чоқилиб як бора барқи затроб,  
Мушт хоки топти сувга инқилоб.

Лек айтиб араз саботи изҳорлик,  
Зўр ила зоҳир қилиб худдорлик.

Доҳили базм ўлди атминон ила,  
Муҳаррам васли бари ёрон ила.

Кўрдиким суҳбат айлай балоу паст.  
Эрдилар субаҳои маъни бирла маст.

Мажлис ичра бир неча яхши китоб,  
На маю паймона но жоми шароб.

Эрдилар маст субуҳи маънавий,  
Камёб илтифоти Мавлавий.

Мавж уруб ҳар гўшада шажари сараф,  
Ғарқи дарёи маъоний ҳар тараф.

Соф эрур манзили анбор ғайридин,  
Пурсунуф лутфу жуду хайридин.

Лаҳви лаъаб осори анда мин аъдам,  
Фахшу фикс, шарр биноси мин хадам.

Киргач анда бу гадои кўйи дил,  
Зори ишрат хонаи дил жўи дил.

Шоҳ мажлис ёнига чекти ани,  
Дунёда бу айшни кўргон қани.

Сўнгра ёздилар анга хони карам,  
Қилдилар мискинни меҳмони карам.

Баъда зон ул шамъи аҳли анжуман,  
Сийм тан, нозик бадан рашки чаман.

Дедилар койи қиссани пурдози жибал,  
Қики фикринг кошифи зори жибал.

Кўрса бўлғайму саёҳатномани,  
Бул ажаб баҳжад фазо ҳаногомани.

Деди роқим ким ҳануз ул нотамом,  
Бермаган зийнат хитоми эҳтимом.

Хусни ноболиғ тароват бермагай,  
Мевали нопухта лаззат бермагай.

Ғунча то тўпмас табассум қилмагай,  
Ранг бу зоҳир қилиб очилмагай.

Зийнати шай ҳусни анжомийдадур,  
Варна қабҳи васф анинг номидадур.

Бу рақам пардози сайри Кўҳисор,  
Назмани анжомига берсун қарор.

Сўнгра қилсун анжуманда жилвагар,  
Бўлса шояд анда манзури назар.

Бўйла мазмунларни тақрир айлади,  
Зоҳир этмасликка тадбир айлади.

Хаддин ошиб шавқи аҳли анжуман,  
Қийнағали сайри гулистони сухан.

Дедилар то кўрмасак имкони йўқ,  
 Майли бизга бўлса ҳам домони йўқ.

Чора топмай Хилватий анжоми кор,  
 Айлади манзумасини ошкор.

Ул этаксизни ёқосидин тутуб,  
 Ул этаксиз ўлтуруб берди ўқуб.

Истимоъийдин бўлиб хурсанд шод,  
 Қилдилар таҳсин анга ҳаддин зиёд.

Мавлавийхон ким фатонатманд эди,  
 Табъиға хушхўрди пайванд эди.

Айлади завқи тамом ила симоъ,  
 Қилди аъзосини вақфи истимоъ.

Топти асрори ниҳонийдин хабар,  
 Олам маънида бўлди комвар.

Бул қадар фаҳми дақойиқ айлади,  
 Сайри гулзор ҳақоик айлади.

Кимдами ким матруб қонуни назм,  
 Мўътабар шогирди Афлотун назм.

Хилватий ойина пардози суҳан,  
 Осмон парвози шаҳбози суҳан.

Ўқиди мажлис аро ашъорини,  
 Зодаи табъи фасоҳат борини.

Хусни тақрир иборати хуруф,  
 Арзу жавлон нишототи куюф.

Вазъи матбуъ ишорати мақол,  
 Тарзи марғуб кинояти хаёл.

Беҳисоб анган номоён бўлдилар,  
 Фош чун нури чароғон ўлдилар.

Нозанинон маъоний сарбасар,  
Бўдилар минг ишва бирла жилвагар.

Бўйла топти нишон завқи сафо,  
Ғам юзин кўрмак ила явмил жазо.

Завқидин воқиф бўлуб бу нукта санч,  
Деди, хай-хай бўлма дизоиъ бу ганч.

Сўзни қадрини билур марди расо,  
Кам бўлур марди расо олам аро.

Чун тамом айтгач сўзин бу нуктасоз,  
Қилди соҳибхона ани сарафроз.

Баъда зон мажлисни анжом эттилар,  
Қўзғолиб манзилларига кеттилар.

Хилватий ҳам ҳужрага азм айлади,  
Хилват айлаб ҳужрада базм айлади.

\*\*\*

**Мулла Йўлдош Хилватий**

**Қасидаи илм  
(Илм ҳақида қасида)**

## Қасидаи илм

Зиҳи шамсуз-зуҳо бадруд-дужо илм,  
Чароғи базмгоҳи ду саро илм.

(Қандай яхши! Илм чошгоҳ қуёши ва тўлин ойдир, икки олам  
базмгоҳини )

Кунад хуршид охир зарраиро,  
Расонад хокро то бо само илм.

(Тупрокни осмонга етказувчи, охир-оқибат заррани қуёшга  
айлантирувчи илмдир)

Агарчи аҳли дониш мушти хоканд,  
Барад шонро ба авжи кибриё илм.

(Илм аҳли агарчи бир муддат тупроқ бўлса ҳам уларни улуғлик  
авжига етказувчи илмдир)

Зи хас гул бишкуфонад метарошад,  
Зи хоро гавҳари қимматбаҳо илм.

(Илм тошдан гавҳарни, хасдан гулни ундирувчи, қаттиқ  
тошдан қимматбаҳо гавҳарни йўндирувчидир.)

Барад дар садри мажлис дар мажолис,  
Кунад касро ба мардум пешво илм.

(Илм мажлисларда ўртадан жой берувчи, кишини халқ  
пешвоси қилгувсидир)

Сафолиро бачинеги расонад,  
Кунад кўхлул жавохир хокро илм.

(Илм сафолни чиннига ва тупрокни гавҳар (ноёб) сурмага  
айлантиргувчидир)

Кунад ҳар ношиносоро шиносо,

Кунад бегонагонро ошно илм.

(Илм бегоналарни ошно ва нотанишларни танишга айлантирувчидир.)

Агар шаклат қабиху нохуш афтод,  
Намояд дар назарҳо дилрабо илм.

(Агар кўринишинг хунук бўлса ҳам, халқ назарига чиройли кўрсатгувчи илмдир)

Гадойиро з-руйи рутба созад,  
Ба олам хисраву кишвар кушо илм.

(Оламнинг подшоси ва шаҳарларни очгувчи, илм даража-мақом жиҳатидан гадони инсонга айлантиргувчидир.)

Зи иллатҳои руҳоний раҳонад,  
Зихи фарҳатфазо, хуббуш-шифо илм.

(Руҳоний касалликлардан поклагувчи, ажойиб шодлик бағишловчи, шифони дўст тутувчи илмдир.)

Хирадманду фақир бенаворо,  
Бибахшад жо ба фарқи ағниё илм.

(Донишманд, фақир бенаволарга бойлардан ҳам юқори жой берувчи илмдир.)

Басо! Хорики у дониш биёмухт.  
Расонидаш ба гулзори ғино илм.

(Хорлик тортиб илм ўрганган кишини бойлик гулзорига етказувчи илмдир)

Чи бок, ар дар раҳи дониш шави хок,  
Кашад охир туро к-аз зири по илм.

(Қўрқма! Илм (талаби) йўлида тупроқ бўлсанг, охир сени оёқ  
остидан тортиб олгувчи илмдир)

Калиди жумла мақсуд аст дониш,  
Кушоихой жамъи муддао илм.

(Барча мақсадларнинг калити, муддаоларнинг очқичи илмдир)

Қабули сийнаи софи бузургон,  
Писанди хотири ҳар авлиё илм.

(Улуғлар қалбидан жой олдиргувчи ва ҳар бир авлиё хотирига  
мақбул қилдиргувчи илмдир)

Асоси қасри ислом аст дониш,  
Мадори панж рукни ин бино илм

(Ислом қасрининг асоси ва бу бинонинг беш рукни мадори  
илмдир)

Зи оби илм нахли шаръ сабз аст,  
Шавад хушк ин шажар чун шуд фано илм.

(Шариат дарахти илм сувидан униб-ўсгувчидур. Агар илм йўқ  
бўлса, бу дарахтлар қуриб қолади)

Кунад кошонаи тоат мунаввар,  
Диҳад шамъи ибодатро зиё илм.

(Тоат кошонасини мунаввар қилгувчи ва ибодат шамъига нур  
берувчи илмдир)

Наёби дар ҳарими қурби мавли,  
Раҳи раҳбар на гардад то туро илм.

(То илм сенга раҳбар бўлмаса, Мавло (Аллоҳ)нинг қурбат  
ҳарамига йўл тополмайсан)

Дурушти аз табъиат маҳв созад,

Зи гандум ҳамчу санги осие илм.

(Тегирмон тоши буғдойни йўқ қилганидек, илм ҳам инсон табиатидаги ёмонликларни йўқ қилгувчидир.)

Шавад ойинадори акси ваҳдад,  
Дили софики, удро кард жо илм.

(Соф қабда илм жойлашса, ойна каби ваҳдат аксини жилолантиради.)

Бигу миръоти офоқ аст аз нафс,  
Бигу ойинаи оламнамо илм.

(Илм уфқларнинг ойнаси ва оламнамо кўзгу деб бил.)

Шароби нашъа баҳши базми арвоҳ,  
Чароғи хужраҳои сийнаҳо илм.

(Рухлар базмига нашъа бағишловчи шароб, сийналар хужраларининг чироғи илмдир.)

Кунад ойинаи дилро мусаффо,  
Зи занги нахвати кибру ҳаво илм.

(Кўнгил ойинасини кибру ҳаво ва зангидан мусаффо қилувчи илмдир.)

Ба боғи сийнаҳо сар сабз дорад,  
Ниҳоли сидку ихлосу сафо илм.

(Кўнгил боғида сидқи ихлос ва софлик ниҳоли илм туфайли яшнаб турувчидир.)

Бувад сайқал агар миръоти давлат,  
Дихад шамширу шавкатро жило илм.

(Давлат оинасига сайқал берувчи, шавкат шамширига жило бергувчи илмдир.)

Ба айёми суъубат ёру ғор аст,  
Ба гоҳи ранжи хешу ақрабо илм.

(Илм оғир кунда ёри ғордир, гоҳ бемор бўлганинда яқин қариндошингдир)

Тароватбахш чун фасли баҳорон,  
Нафоратхиз чун боди сабо илм.

(Баҳор фаслидек тароватбахш, тонг шамолидек эсувчи илмдир).

Муаззаз дар шараф з-иксири аъзам,  
Ба хосият баланд аз кимё илм.

(Шарафда иксири аъзамдан хосиятда кимёдан аълороқ илмдур.)

Нигар дар хислати донишки дар шаръ  
Ҳалол омад шикоре калб бо илм.

(Илмнинг хосиятига назар сол, шариатда илм туфайли итнинг ови ҳалол бўлди.)

Расонанда бакуйи некноми,  
Бигардонанда аз роҳи хато илм.

(Иззат обрўга эриштиргувчи ва хато йўлдан қайтарувчи илмдир)

Ба дониш печ эй гулрух гулатро,  
Фазояд равнақи нури баҳо илм.

(Илмга ўралгин, эй юзли, гулингни нури ва баҳосига равнақ берувчи илмдур.)

Гули ҳуснат ниғаҳ дорад зи сар-сар,  
Талаб эй сиймбар ширин адо илм.

(Хуснинг гулини қаттиқ шамолдан асрайди, эй оқбадан, ширин карашмали илмни талаб қил.)

Малоҳатҳойи хубихойи дониш,  
Биёмуз эй парирў маҳлиқо илм.

(Эй, паричеҳра, илмнинг яхшиликларини, малоҳатларини ўрган, илм ой юзлидир...)

Марав дар кучаҳо дар ҳар датози,  
Бикун ҳосил нигори дилрабо илм.

(Кўчаларда валақлаб юрма, илм ҳосил қил, у дилрабо нигордир.)

Сар аз жайби адам боло набардор,  
Намо эй нури дийда касб ё илм.

(Бошингни йўқлик ёқасидан юқори кўтармагил, эй нури дийда, касб ё илм ўрган.)

Агар аз зиндағони баҳражўйи,  
Бижу аз Рум то мулки Хито илм.

(Агар ҳаётдан баҳраманд бўлишни умид қилсанг, Румдан то Хитой мулкигача бўлса ҳам илм ўрган.)

Тараддуд баски меърожи камол аст,  
Майосоу бижу субҳу ишо илм.

(Тараддудланиш камол меърожидур. Тинч ўтирмада эртаю кеч илм изла.)

Зи бе барги махурам дониш омуз,  
Ки созад соҳиби барги наво илм.

(Баргсизликдан йўқчиликдан ғам емагин илм ўрган, илм эгасини серҳосил ва бой қилади.)

Ҳаводис дар пайи фурсат нуфур аст,  
Бижу ҳаргиз мағу сайфу шито илм.

(Ҳодисаларфурсатнинг кейнидан қочиб юради. Ғаниматдур асло ёзу қиш демай илм ўрган.)

Матарс аз фақр эй толиби расонад,  
Либос илму шароб илму ғизо илм.

(Эй толиб, камбағалликдан кўркма, либосингни ҳам, шаробингни ҳам, таомингни ҳам илм етказади.)

Бали дар ибтидо захрат чашонад,  
Вале шаҳдат диҳат дар интиҳо илм.

(Ҳа илм бошида захар ичкизадию, охирида бол тоттиради.)

Дур аз дарё ба каф беғута ноёд,  
Бихоҳад дар талаб ранжу ино илм.

(Дарёга шўнғимасдан дур қўлга кирмаганидек ранжу машаққат талаб қилгувчи илмдир.)

Бикун тарки ҳама рав дар раҳи илм,  
Баланд аст аз жамъи муддао илм.

(Ҳамма нарсани тарк қилиб илм йўлидан боргин, ҳамма муддаолардан баландроғи илмдур)

Агарчи аҳли илм исён сириштан,  
Кунад шонро ба охир порсо илм.

(Агарчи аҳли илм гунаҳкор бўлса ҳам уларни шаъниларини улуғликка етказувчи илмдур)

Туро дар ду жаҳон кофиу вофист,  
Ба таҳсили маротиб эй фато илм.

(Эй йигит, қайа-қайта таҳсил қилиш билан илм сенга икки жаҳонда сенга кифоя ва вафодордир.)

Нишони давлати ҳар ду жаҳон аст,  
Худо рўзи намояд ҳар киро илм.

(Худо кимга илм насиб этган бўлса, у икки жаҳон давлатининг нишонасидир)

Азизат микунад дар дори дунё,  
Шарифат микунад явмил жазо илм.

(Бу дунёда сени азиз, қиёмат куни шарофатлик қилувчи илмдур.)

Суйи оби ҳаёт афтад убураг,  
Дарин даштат чу шуд Хизри худо илм.

(Ҳаёт суви томон йўлинг тушса, бу даштда хидоят Хизри илмдур.)

Саломат бигзари зинбахри хунхор,  
Агар шуд киштият ро то жудо илм.

(Агар кеманг синиб кетса ҳам илм туфайли бу қонхўр дарёдан соғ-саломат ўтасан)

Ба пири инчўнин дийди мазаллат,  
Нажусти дар жавониҳо чаро илм.

( Ёшликда илм қилмаганинг учун қариган чоғингда шунчалик хор бўлдинг)

Ҳанузат фурсату саъйу талаб аст  
Бижу эй пир, бо қадди дуто илм.

(Ҳозир ҳам фурсат ғанимат саъйи ҳаракат қил, қаддинг ҳам бўлган бўлса ҳам илм талаб қил)

Ба қавли Мустафо омад фариза,  
Талаб кардан ба мардону нисо илм.

(Муҳаммад алайҳис саломнинг сўзлари билан эркагу хотинга  
илм талаб қилиш фарз бўлди)

Ба ҳангоми заъифи қуввати туст,  
Ба вақти пирийат гардар асо илм.

(Илм заифлик пайтида сенга қувват, қариган чоғингда  
асойингдур)

Зи боло микашад жаҳолат ба пасти,  
Диҳад дар садри мажлисҳот жо илм.

(Жоҳиллигинг сени юқоридан пастга туширса, илм мажлислар  
ўртасидан сенга жой беради.)

Ба сурат одам аст аммо бамаъни,  
Батар аз гову хар марди било илм.

(Илмсиз киши суратда одам, аммо маъно жиҳатидан ҳайвондан  
баттардур)

Мийони олиму жоҳил ба рўтбат,  
Кунад фарқ аз сурайё то саро илм.

(Илм олим билан жоҳил орасидаги даражани ер билан осмон  
қадар фарқлаб кўрсатувчидир.)

Ба дониш кас зи нокас фарқ ёбад,  
Кунад одам зи ноодам жудо илм.

(Киши билим билан нокаسدан фарқ қилади, одам билан  
одаммасни ажратувчи илмдир.)

Ба аҳли мол биъсал муттако зар,

Ба аҳлул илм неъмал муттако илм.

(Дунёпарастлар учун олтин ёмон суянчикдир, олимлар учун илм қандай яхши такагоҳдур.)

Ту кун така бамол эй паст фитрат,  
Зи руйи така бас бошад маро илм.

(Сан молинга суянавергин эй пасфитрат, суянишликда менга илм кифоядир.)

Киро охир расад домони давлат,  
Ту дунё жўй, мижуем мо илм.

(Давлат этаги охир кимга етаркин?! Сен дунё иста, биз илм талаб истаймиз.)

Ба акси зар бияфзояд бубахшиш,  
Зихи ганжист лояфно хушо илм.

(Тиллодан фарқли илмнинг эҳсони ортиб бораверади, илм қандай яхши туганмас хазинадир.)

Бигў пири хароботи, мударрис,  
Бигў жоми шароби ғамзудо илм.

(Илмни харобот пири ё мударрис де, уни ғамларни кетказувчи шароб деб айт.)

Кужо пўшида монад номи доно,  
Кашад ўро зи – зиндоне хафо илм.

(Дононинг номи қачон махфий қолибди, илм уни жафо зиндонидан тортиб олувчидир.)

Равад овозайи олим ба олам,  
Ки дорад жоми номаш пурсадо илм.

(Олимнинг овозаси жаҳонга кетади, унинг номи қадаҳини жарангдор қилувчи илмдир.)

Набинад зиллату ғурбат хирадманд,  
Кунад уро муаззаз ҳар кужо илм.

(Оқил киши ғариблик ва хорликни кўрмайди, илм ҳамма жойда уни азизу мукаррам қилади.)

Зи куйи аҳли маъни сурма баргир,  
Ки карда хокшонро тўтиё илм.

(Маъно аҳлининг кўчаси (тупроғи) ни кўзингга сурма қил, илм улар босган тупроқни тўтиёга айлантиргандур.)

Бижў аз зилли аҳли илм давлат,  
Ки додаш хислати зиллу ҳумо илм.

(Аҳли илмнинг соясидан давлат изла, илм уларга ҳумо қушининг сояси хислатини бергандир.)

Ба иззи олимон шоҳид ҳамин баст,  
Ки мондаст аз Муҳаммад Мустафо илм.

(Олимларни азизлигига шу нарса гувоҳки, илм Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламдан илм (мерос) қолгандур)

Биёмад мадҳи дониш дар аҳодис,  
Ситойиш карда дар Қуръон Худо илм.

(Ҳадисларда илм мадҳ этилди, Худо Қуръонда уни мақтади.)

Кунад бар остони аҳли дониш,  
Басо гарданкашонро жабҳасо илм.

(Илм олимлар остоналарида бўйин товлайдиганларнинг бошларини эгдиргувчи (итоат қилдирувчи) дир)

Кунад шахзодагон таъзимаш охир,  
Кунад ҳосил чу фарзанди гадо илм.

(Агар гадо ўғли илм ҳосил қилса, шахзодалар охири унга таъзим қилурлар)

Афифу зоту хушзебо арус аст,  
Бижўяд пок фитрат кадхудо илм.

(Илм зоти тоза, чиройли бир келинга ўхшайди, у фитрати тоза рўзғор бошлиғини истайди.)

Адаб шерозаи авроқи илм аст,  
Ба тарки он наёби мутлақо илм.

(Адаб илм варақлари (китоби) шерозасидир<sup>1</sup>. Уни тарк қилсанг, мутлақо илмни тополмайсан.)

Хамиша ҳаққи устозат ниғаҳдор,  
Наёби то нагардад у ризо илм.

(Доим устозинг ҳаққини адо эт, то у рози бўлмагунча илм ололмайсан.)

Мадих ҳанжар ба дасти раҳзани даҳр,  
Макун таълим бо ҳар норасо илм.

(Дунё қароқчисининг қўлига ханжар бериб қўйма, ҳар бир норасога илм ўргатаверма.)

Мажу илмики табъиро расонад,  
Ғубори ранжишу занги изо илм.

(Табиатингга машаққат ғуборлик ва ранжу алам зангини етказувчи илмни талаб қилма.)

Агар бардил занад к-учу ёри жонат,

---

<sup>1</sup> Шероза – китобнинг муқовага ёпишган икки учини жузлар сочилмаслиги учун ипак билан бежаб тикиш.

Агар бар тан занад к-у аждаҳо илм.

(Агар илм қалбингдан жой олса, ёри жонингдур, агар кўринишингда бўлса аждарходур)

Амал кун ончи донисти вагарна,  
Биборад бар сарат санги бало илм.

(Ниманики билган бўлсанг ўшанга амал қил, йўқса, илм бошингга бало тошини ёғдиргувчидир)

Ба аҳл аз илм суд аммо ба ноаҳл,  
Бувад сармояи туғён басо илм.

(Ўз аҳли илмдан фойда бер, аммо ноаҳл бўлган кишилар учун илм саркашлик, бузғунлик сармоясидир.)

Ба ношойиста аз ту биранжад,  
Кунад бар нек атворат дуо илм.

(Илм номақбул ишларинг учун сендан ранжийди, яхши феълларинг учун эса дуо қилгусидур)

Ба ноқобил нагирад реша ҳаргиз,  
Чу дар шўра замин жинси гиёҳ илм.

(Шўр ерда гиёҳ ўнмагани каби, ноқобиллар қалбига ҳам илм ўрнашмайди.)

Маҳур панд аз либосу ришу дастор,  
Зи сийрат жўй дар сурат кужо илм.

(Кийимига, соқолу салласига қараб панд ема, суратда қаердан ҳам илм бўлсин, уни сийратдан изла.)

Пайи таҳсилу дунё яш маёмўз,  
Макун беҳуда эй нодон ҳабо илм.

(Дунё топишлик учун илм ўрганма, эй нодон, илмни беҳуда барбод қилма)

Пайи зар бар дари ҳар хор мабар сар,  
Мақун зиллат самар баҳри тило илм.

(Олтин излаб ҳар бир эшак (табиат) эшигига борма, тилла учун илмни сарфлаб хорлик ҳосил қилмагин.)

Ба олам мева баҳшад гар бибаҳшад,  
Дарахти ҳар киро нашъунамо илм.

(Агар илмни сарфласа, оламга мева бағишлайди, ҳар бир кишининг дарахтини ундириб, ўстиради.)

Тавозуъ кардани доно азон аст,  
Ки карда гардане уро дуто илм.

(Дононинг камтар бўлиши илмдан, илм унинг бўйнини ҳам қилиб қўяди.)

Парад бор Арш охир тойири руҳ,  
Ки аз қайди жасад кардаш раҳо илм.

(Илм қушини Аршга учиргувчи ва жасад қафасидан руҳни холи қилгувчидир.)

Фасоду фитнаро хирман кунад жаҳл,  
Ба ин хирман занат барқи фано илм.

(Жаҳолат фитна фасодларни хирмон қилса (бир ерга жамласа) бу ёмонликларни илм бу хирмонга ўт уриб, куйдириб йўқ қилдургувчидир.)

Ҳусайн аз жаҳл кушт асло намекушт,  
Агар медошт аҳли Карбало илм.

(Имом Хусайнни (р.а.) жоҳиллик қилиб ўлдирдилар. Агар Карбало аҳлида илм бўлса эди, у зотни асло ўлдирмас эдилар)

Жавоҳирпора аст аммо на фаҳмим,  
Ману ту лоақал ҳамчун ҳасо илм.

(Илм бир гавҳар порасидир, аммо биз уни лоақал тошчалар каби ҳам тушунмаймиз.)

Хато воқеъ шавад кам дар мақолат,  
Кунад тийри байонатро расо илм.

(Илмдан сўзларингда хато кам содир бўлади, баёнингни ўқини эса расо (нишонга тегувчи) қилади.)

Набошад ҳеч касро равнақи умр,  
Набахшад руҳи ўро нур то илм.

(Кишининг руҳига илм нур бағишламаса, унинг умрига равнақ бўлмайди.)

Намирад соҳибони илм ҳаргиз,  
Ки эйшонро диҳад оби бақо илм.

(Илм эгалари асло ўлмайди, чунки уларга илм оби ҳаёт – умрбоқийлик сувини ичказгандур.)

Нагардат Хилватий ҳаргиз бараҳна,  
Касиро ки би пушонад қабо илм.

(Эй Хилватий, кимгаки илм қабо (либос) кийгизган бўлса, у ҳаргиз яланғоч қолмайди.)

## Л У Ғ А Т

### “А”

ажмал –энг гўзал, энг чиройли  
 ақдом – (қадамнинг кўплиги) –ақдом айламоқ –юрмоқ  
 ақлу шурб –ейиш-ичиш  
 алқоб –ном, тахаллус (лақабнинг кўплиги)  
 алтоф –лутфнинг кўплиги  
 амн – омонлик  
 амну омон –тинчлик ва хотиржамлик  
 анбарбез – анбар сочилган, хушбўй  
 анвоъ –(навънинг кўплиги) –тур, хилма-хил  
 анжум –(нажмнинг кўплиги) юлдуз  
 анонийат –худбинлик, такаббурлик  
 асноф –(синфнинг кўплиги)  
 афзун – 1) кўп, мўл  
                   2) ортувчи, кўпаювчи  
 ашжор –(шажарнинг кўплиги)  
 аҳбоб –(Ҳабибнинг кўплиги) дўст-

### “Б”

бадгў - тухматчи,иғвогар  
 барқ - яшин,чақмоқ  
 баҳжат - 1)кувонч,шодлик

## 2)чирой, жамол

бахравар - баҳра олувчи, баҳраманд

беадил - тенгсиз

бисот - 1)палос

## 2)шахмат тахтаси

боданўш - майхур

бозоргон - савдогар

боргоҳ - шоҳ даргоҳи

бў - ис, ҳид

**"В"**

вазь - (кўплиги "авзоъ") ҳол, равиш, юриш, туриш

вадод - видод - муҳаббат, дўстлик

васиъ - кенг

вожгун - тескари, чаппа

вужуҳ - ("важҳ"нинг кўплиги) 1)юз, сатҳ

2)пул, маблағ

3)сабаб, боис

4)қиймат, баҳо

вузуъ- юз, қўл ва оёқларни тартиб билан ювиш, таҳорат

вусъат - кенглик, ёйиқлик

**"Г"**

гудоз - 1)эриш, эримок

2) куйиш, куймок, ўртаниш

гулрез - гул тўкувчи, гул сочувчи

"Д"

далир - юракли, довюрак

дамон - 1) тез, чаққон

2) даҳшатли

дарж - киритиш

дийда-кўз

дилхоҳ - кўнгил истаги, истакка мувофиқ

домангир - даъвогар

дурж - қутича

"Ж"

Жабин – манглай, пешона

Жаворих – (жориҳанинг кўплиги)

1) ваҳший ҳайвон

2) тана аъзоси

Жадд – (кўплиги аждод ) бобо

Жадда – буви

Жамил – чиройли

Жовидон-абдий

Жомиъ - 1) жам қилувчи

2) жума намози ўқиладиган масжид

Жоҳ - мансаб юқори мартаба

Жулус- 1) тахтга ўтириш

2) ўтириш

Жунбиш - ҳаракат

Жуш- қайнаш

Жўйбор- сой

### “З”

Закий – ( кўплиги азкийо ) зийрак

Зарофат – зарифлик, хуштаблик, мулойимлик

Заррин –олтин безакли нарса

### “И”

иборот – иборанинг кўплиги

ижмол – 1) қисқартиш, қисқа тавсиф, қисқа баён

2) қисқа, мухтасар

иқтирон – бирикиш, яқинлашиш

илтизом - мажбурият олиш, зиммага олиш

имтисол – бўйсиниш, итоат қилиш

инбисот -1) ёйилиш, кенгайиш

2) шодлик ,хушчақчақлик

интифоъ –нафъ олиш, фойдаланиш

интихоб - сайлаш танлаш

истикмол -1) тугаллаш, охирига етказиш

иттилоъ –хабар, дарак

иттиҳод – бирлашиш

ихвон – “ах”нинг кўплиги

ихтилот – аралашиш, қоришиш , чатишиш

ихтимом – 1) тиришиш

2) диққат қилиш

ихтисос – тегишлилик, хос бўлиш

Ихтитом – 1)тугаш, охир, сўнг

2) хулоса

иштиҳор – машҳурлик, шуҳрат

## “К”

кўтах –кўтох –қисқа ,калта

## “Л”

ламҳа – 1) қараш

2) он, зум

лолафом –лоладек қизил

## “М”

мадфун –кўмилган , дафн қилинган

мажмаъ –йиғилиш, йиғиладиган жой

мазраъ – кўплиги “мазориъ” экинзор

мазҳар – кўплиги “мазоҳир” кўриниш ери, кўриниш,  
кўрсатиш

майлона –хоҳиш, рағбат, истамоқ

мақдам -1) келиш , 2) қадам

мақом –( кўплиги “мақомат”)

1) ўрин, жой

2) муסיқада сўз номи

мамлу – тўла, мамлу этмоқ, тўлдирмоқ

маниъ – мустаҳкам, кўлга киритиб бўлмайдиган (қалъа)

Маоб – 1) (кўплиги “маойиб”) сиғиниш жойи, бошпана

2) айб, нуқсон

маржиъ – 1) қайтиш жойи;

2) манба

масир -1) йўл 2) сайр қиладиган жой , сайргоҳ

матбуъ – ёқимли, мақбул

матоф –тавоф қилинадиган нарса

маъво –бошпана

маҳмул – 1) юкланган, ортилган

2) ҳисобланган, нисбат берилган

маҳфил – 1) йиғин, мажлис

2) йиғин, мажлис жойи

3) жамият

мағоқ – чуқур, пастқам

мақосид – мақсаднинг кўплиги

манқабат – 1) қобилият;

2) фазилат, хислат

## 3) мақтов.

мийон – 1) ўрта

2) бел

миръот – кўзгу

мифтоҳ – калит, очқич

мойа – 1) моҳият, асос, сабаб;

2) сармоя, пул

муалло – юксак , баланд

мудақвар – доира шакли, юмалок

мужда – хушхабар

муқаррар – такрорланган, қайтарилган

мунбасит – 1) очик;

2) хурсанд; шод

мурсал – кўплиги “мурсалин”- 1) юборилган , 2)

пайғамбар

мурсалин – мурсални нг кўплиги

мусоҳиб – суҳбатдош , улфат

мутарро – 1) очикқан, паришон бўлган

2) соф, тозаланган ҳаво

мутриб – чолғучи, музикачи, машшоқ, созанда, ҳофиз

муҳаллад – абадий

## “Н”

нажм – юлдуз

нарм – юмшоқ

насақ – равиш, тартиб, ҳол

нахват – фойда

нахвати ели – ғурур шамоли

нашот – шодлик

нисор – сочиш

нишот – шодлик

ноқис – нуқсонли

нуктасанж – синчиклаб, танлаб сўзлайдиган

нўг, нўк, нўк – бирор нарсанинг учи

нахл – хурмо ниҳоли

## “О”

обшор – 1) обдор, серсув

2) шаршара

оғоз – бошланиш

## “П”

печиш – қийналиш

пеша – касб

пойдор – барқарор, маҳкам

порсо – тақводор, художўй

пур – тўла, тўлдирилган

## “Р”

рафиъ- юксак, баланд, буюк

рахт-буюм

раъийят – халқ, уммат, фуқаро

раъойо – (“раъийят” нинг кўплиги)

рикоб – узанги

рифъат – 1) кўтариш, баландлаш

2) юқори мартаба

ружуъ – 1) мурожаат қилиш

2) қайтиш, қайтиб келиш

руммоний – анор ранг, анор гулининг ранги

риҳ – (кўплиги “риёҳ”) –шамол

фиққат – нозиклик, юмшоқлик

## “С”

сабзапўш – 1) кўк либосли

2) хизир алайҳи-с-салом

савзалиқ – яшинлик, яшил ранглик

савт – овоз , товуш , куй , оҳанг

садр – 1) бошлиқ

2) тўр, ўрта

самм –заҳар

сарир – 1) ўрин, тахт

2) ғижирлаш

сахбо – шароб

саҳл – енгил, осон

сахт- 1) қийин, мушкул

2) қаттиқ

саъй – тиришиш, уруниш, интилиш

сиво – бошқа, айрим, бўлак

сийм – кумуш

собитот – собитанинг кўплиги, турғун (юлдуз)

сомон – 1) фаровонлик, бойлик,

2) тартиб, осойишталик

суббуҳ – мақтов

сужуд – букилиш, бошни ерга қўйиб сажда қилмоқ

сурур – хурсандчилик, шодлик

сунъ – яшаш, қилиш

## “Т”

тайаммун – бирор ишни ўнгдан бошлаш

тавъ – бўйсунуш, итоат қилиш

тавозеъ – одоблилик, ўзини паст тутиш,

камтарлик

тажалло – тажаллий, жилоланиш, жилваланиш

тамкин – қаттиқ, мустаҳкам, саботли

тарабангиз – шодлик келтирувчи, хурсандчилик

бағишловчи

тафарруж -1) тамошо, сайр

2) ўйин кулгу, кўнгил очиш

тафриҳ –ўйин –кулги, кўнгил очиш, хурсандчилик  
қилиш

тахиййат – кўплиги тахиййот, табриклаш, салом  
бериш

тахқиқ – текшириш, тадқиқ қилиш

тахрик – ҳаракатга келтириш

тийнат – табиат, хулқ, феъл атвор

тоб – 1) ҳарорат, иссиқлик

2) куч, қувват, бардош

3) ўрам, жингалак

турбат – гўр, тупроқ

туроб – тупроқ, гўр

туршрўй – бадбуриш, бадқовоқ

### “у”

уруж – кўтарилиш, меърожга чиқиш

### “Ф”

фавқ – уст, юқори

файз – (кўплиги “фуюз”)

фарих – шод, хуррам

фарқад- Қутб юлдузи ёнидаги икки ёруғ

юлдузнинг номи

фарсуда – 1) тўзғиган, титилган, эскирган

2) ҳориган, чарчаган

фархундафол – бахтиёр, бахтли

фарш – тўшак,гилам, палос

фарик –фирқи, гуруҳ

фағфурий –хитойи, хитойча

### “Х”

хазро – кўк яшил

хайл – тўда, гуруҳ

хайма – чодир,

хез – санчилиш, сакраб, туриш

хилқат – яратилиш

хоксор – аянчли

хонумон – рўзғор буюмлари

хонумони совурмоқ – хонавайрон қилмоқ

худдом – (ходимнинг кўплиги) хизматкор

хулд – абадийлик, мангулик

хушуъ – 1) бўйсунуш

2) қуллуқ қилиш, эъзозлаш

хўй – одат, феъл, характер

### “Ч”

чатр – 1) соябон

2) қора парда

3) қора чодир

## “Ш”

шабоб – ёшлик

шажар – (кўплиги ашжор) дарахт

шай – нарса

шаҳсувор- 1) моҳир чавандоз

2) маҳбуба

шикан – 1) синиқлик, буралиш

2) жингалак

шитоб – ошиқиш, шошилиш, тезлатиш

шойиста – лойиқ, муносиб,

шоҳидбоз – хотинбоз

шукуҳ – улуғлик, юксаклик

шумор – санок ,ҳисоб

шўр- ғавғо, тўполон, ғавғо қилувчи, тузли

## “Э”

эътидол – мўътадиллик

## “Қ”

қазоро –тасодифан,

қариб – (кўплиги ақориб ва ақрибо) яқин қариндош

қарин – (кўплиги “ақрон” яқин, яқинлик билан  
боғланган)

қойим – айтувчи, сўзловчи

қурб- яқинлик

**“Ғ”**

ғабғаб –бақбақа

ғайр – ғайра, бошқа ,ўзга

ғарқа -чўккан, чўкиб кетган

ғилмон –ғуломнинг кўплиги

ғулум – йигит, хизматкор

ғулув – ғавғо қилувчи, чегарадан чиқишлик

**“Ҳ”**

ҳабиб – дўст

ҳодийи субул - тўғри йўлга бошловчи

**Нашрга тайёрловчи, сўз боши**

**муаллифи ва луғат тузувчи:**

НамДУ ўзбек ва рус  
филологияси факультети  
ўзбек тили ва адабиёти  
кафедраси ўқитувчиси  
О.Болтабоева